

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:336.775

ЮЛЧИЕВ ДОНИЁР РАВШАНОВИЧ

**КОРПОРАТИВ ТУЗИЛМАЛАРДА МОЛИЯВИЙ
ХАВФСИЗЛИК СТРАТЕГИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА
АМАЛГА ОШИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЙЎЛЛАРИ**

**Мутахассислик: 5A230602—«Корпоратив молия ва қимматли
қоғозлар бозори» мутахассислиги**

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц. С.Элмирзаев

ТОШКЕНТ – 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I боб. Корпоратив молия стратегияси иқтисодий моҳияти ва доминант соҳалари тавсифи	
1.1. Корпоратив молия стратегияси моҳияти, иқтисодий аҳамияти ва принциплари.....	8
1.2. Корхоналарда стратегик молиявий ривожланиш доминант соҳалари тавсифи	14
1.3. Молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларнинг молиявий хавфсизликни таъминлашдаги урни.....	19
1-боб бўйича хулосалар.....	24
II боб. Кимё саноати корхоналарида молиявий ҳолатни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усуллари	
2.1. Маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш.....	27
2.2. Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....	44
2-боб бўйича хулосалар.....	50
III боб. Корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш орқали молиявий хавфсизликни кучайтириш масалалари	
3.1. Инқирозга қарши бошқарувни самарали ташкил этиш орқали молиявий хавфсизликни таъминлаш масалалари.....	52
3.2. Корхоналарда молиявий хавфсизлик стратегиясини шакллантиришнинг устувор йўналишлари.....	69
3-боб бўйича хулосалар.....	77
ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.....	79
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий соҳада ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш борасида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Бу эса, иқтисодиёт тармоқларини иқтисодий ва молиявий фаолиятини ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш асосида ички хўжалик имкониятларидан унумлироқ фойдаланишни, илғор тажрибаларни жорий этиш ҳамда сифат кўрсаткичларни муттасил яхшилаб бориш орқали корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлашни тақозо этади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида иқтисодиёт олдига қўйилган вазифалардан бири – бу уни самарадорлигини кўтаришдан иборатдир. Самарадорлик хўжалик субъектлари фаолиятининг молиявий натижаларида ўз ифодасини топади. Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, “Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида бу соҳага тўлиқ эркинлик бериш, бу йўлда ғов бўлиб турган барча тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш энг муҳим устувор вазифадир. Барқарор иқтисодий ўсиш ва мамлакатимизнинг келажак истиқболи, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати кўп жиҳатдан айна мана шу энг устувор вазифанинг қандай ҳал этилишига боғлиқ”¹. Бунга эришишда корхоналар молиявий ҳолати барқарорлигини таъминлаш ҳам алоҳида масала бўлиб ҳисобланади ва диссертация иши мавзусининг долзарблигини ўзида ифодалайди.

Тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик субъектларида молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили масалалари хорижий давлатлар ва МДХ иқтисодчи олимларидан И.Белолипецкий, И. Бочаров, Н. Л. Брук, А. Бернстайн, М. И. Баканов, Л. И. Кравченко, В. В.Ковалев, А. И. Меркушев, В.Палий, С. К.Татур, В. В.Ковалев, М.Мескон, Б. Нидлз, А. Д. Шереметларнинг илмий ишларида алоҳида ўрин эгаллайди. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Э.А.Акрамов, Б.А.Хасанов,

¹ Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. - 72 б.

А.В.Ваҳабов, Р. А.Дўсмуратов, Е. Е. Ергешев, А. Т.Иброҳимов, Б. И. Исроилов, М. Қ.Пардаев, М.М.Тўлаходжаева, Б.Тошмуродова, А.Х.Шоалимов, В. В.Эргашбоев ва бошқаларнинг илмий ишларида кенг кўламда ўрганиб чиқилган.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхоналарда молиявий натижалар таҳлилининг айрим муаммолари, ташкилий жиҳатлари тадқиқ қилинган. Корхоналарда молиявий натижаларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган мавзу ҳисобланади. Шуларни инобатга олган ҳолда, мазкур ишда фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар комплекс ва тизимли тарзда тадқиқ қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади корхоналарда молиявий барқарорликни таъминлаш орқали молиявий хавфсизликни кучайтиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот ишининг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида фойданинг ўрни ва бажарадиган вазифаларини аниқлаш;
- молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш;
- молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ва уларни аниқлаш йўллариини ишлаб чиқиш;
- маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблашнинг методологик асосларини тадқиқ этиш;
- асосий ва умумхўжалик фаолиятларидан келган фойдани аниқлаш ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- солиқ тўлангунга қадар фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳамда ҳисоблаш усуллариини кўрсатиб бериш;
- соф фойданинг таркиби ва ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

- рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг мақсади ва вазифаларини кўрсатиб бериш;

- эркин иқтисодиёт шароитида рентабеллик кўрсаткичлар тизими ва уни аниқлаш йулларини тадқиқ қилиш;

- корхонада рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар даражасининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш усулларини тадқиқ қилиш;

- жами активлар рентабеллигига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усулини тадқиқ қилиш;

- сотилган маҳсулот рентабеллик кўрсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омилларни аниқлаш;

-инқирозга қарши бошқарувни самарали ташкил этиш орқали молиявий хавфсизликни таъминлаш усулларини белгилаш;

-рискларни бошқариш ва молиявий хавфсизлик стратегиясини белгилаш орқали барқарорликни таъминлаш йўналишларини ишлаб чиқиш..

Тадқиқотнинг объекти сифатида «O'zbekmyosanoatloyiha» акциядорлик жамияти олинди.

Тадқиқот ишининг предмети корхоналарда молиявий хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашга қаратилган молиявий-иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, индукция, дедукция, занжирли алмаштириш, мутлоқ фарқлаш ва бошқа иқтисодий-статистик усуллар қўлланилди.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси Ўзбекистон Республикасининг хўжалик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи қонунлари, Президент И.А.Каримовнинг иқтисодий ислохотларга оид ҳамда бозор муносабатларига бағишланган фармонлари, асарлари ва кўрсатмалари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Молия Вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари ташкил қилади.

Тадқиқот жараёнида мавзуга оид хорижий ҳамда республикамиз иқтисодчи олимларининг илмий ишлари, корхона фаолиятини акс эттирувчи бухгалтерия ва статистик маълумотлардан фойдаланилди.

Тадқиқот ишида олинган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- фойданинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти очиб берилди;
- корхонада ялпи, асосий фаолият фойдаси, умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ва солиқ тўлангунга қадар фойдани омилли таҳлил таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди;
- соф фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш ва унинг ҳажмини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш усуллари тавсия қилинди;
- жами активлар рентабеллик кўрсаткичларининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни ҳисоблаш йўллари ва натижа кўрсаткичини ошириш бўйича амалий тавсиялар берилди;
- сотилган маҳсулот рентабеллиги даражаси ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш усуллари тадқиқ қилинди;
- хусусий капитал рентабеллик даражасига таъсир қилувчи омилларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари ишлаб чиқилди;
- корхона асосий фаолияти рентабеллиги даражасини омилли таҳлил қилиш усуллари ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот ишида республикамиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари умумлаштирилиб, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида молиявий натижалар таҳлилининг услубий муаммолари назарий асосланиб, уларни ҳал этишга қаратилган амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда молиявий натижаларни таҳлил қилиш орқали унинг самарадорлигини ошириш йўллари белгиланди. Илмий ишда молиявий натижалар таҳлилининг такомиллаштиришга қаратилган илмий хулоса ва амалий таклифлар

мамлакатимизда турли мулкчилик шаклларига асосланган корхоналарида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда ва олий ўқув юртларида “Иқтисодий таҳлил назарияси”, “Молиявий ва бошқарув таҳлили”, “Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили”, “Молиявий таҳлил” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва амалиётга тадбиқ этиш. Илмий тадқиқот давомида олинган натижалар, хулоса ва тавсиялар “O'z kimyosanoatloyiha” очик акциядорлик жамияти амалий фаолиятига тадбиқ қилинди.

Илмий-тадқиқот ишининг таркибий тузилиши. Илмий иш кириш, учта боб, хулоса, адабиётлар рўйхатидан иборат.

I боб. Корпоратив молия стратегияси иқтисодий моҳияти ва доминант соҳалари тавсифи

1.1. Корпоратив молия стратегияси моҳияти, иқтисодий аҳамияти ва принциплари

Молиявий стратегия корхонанинг муҳим функционал стратегияларидан бири бўлиб, ташқи воситалар ўзгарувчанлиги шароитида узоқ муддатли молиявий мақсадларни шакллантириш, улар муваффақиятини таъминлашнинг энг самарали йўллари танлаш, молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишларини самарали ташкил этиш йўлида молиявий фаолият ва молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг барча асосий йўналишларини таъминлашни ўзида акс эттиради.

Корхонанинг самарали ривожланишини таъминлашда молиявий стратегияни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Буни қуйидагиларда кўришимиз мумкин:

1. Ишлаб чиқилган молиявий стратегия яхлит корхона ва унинг алоҳида таркибий бўлинмалари олдига қўйилган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг узоқ муддатли умумий ва молиявий мақсадларни амалга ошириш механизмини таъминлайди.

2. Молиявий стратегия корхонанинг реал молиявий имкониятларини баҳолаш, ички молиявий имкониятлардан максимал фойдаланиш ва молиявий ресурслар тезкор айланувчанлигини таъминлаш имконини беради.

3. Молиявий стратегия ташқи омилларнинг тезкорлик билан ўзгариши жараёнида пайдо бўладиган янги истикболли инвестицион имкониятлардан самарали фойдаланиш имкониятини таъминлайди.

4. Молиявий стратегияни ишлаб чиқиш молиявий ривожланишнинг мумкин бўлган вариантларида таъсир этувчи ташқи омилларни ҳисобга олади ва корхона фаолияти учун салбий оқибатларни минимум даражага пасайтириш имконини беради.

стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ташқи омиллар билан ўзаро боғлиқ очик ва аниқ тизимни ўзида акс эттиради. Корхонанинг бундай ўзаро боғлиқлик жараёни бозор иқтисодиёти шароитида мос маконни, вақтни ҳамда функционал таркибни талаб қилади. Корхонанинг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида очиклиги ва ўз-ўзини ташкил этишга қобилиятли эканлиги молиявий стратегиянинг сифатли ташкил этилишини таъминлаш имконини беради.

2. Корхона операцион фаолияти базавий стратегияларини ҳисобга олиш принципи молиявий стратегияни корхона иқтисодий ривожланиши умумий стратегияси таркибий қисми сифатида биринчи навбатда операцион фаолиятни ривожлантиришни таъминлаш ва молиявий стратегиянинг унга бўйсунувчан характерда бўлишини ифодалайди. Шунинг учун молиявий стратегия стратегик мақсадлар ва операцион фаолият йўналишларига мувофиқлаштирилиши керак. Умуман, молиявий стратегияга танланган корпоратив стратегия билан мувофиқликда корхона самарали ривожланишини таъминлашнинг муҳим омилларидан бири сифатида қаралади.

Шу билан биргаликда молиявий стратегия корхона операцион фаолиятини стратегик ривожлантиришни ташкил этишга ўз таъсирини кўрсатади. Бу операцион стратегиянинг асосий мақсадлари ҳисобланган юқори даражада маҳсулот реализациясини, операцион фойда ва корхонанинг рақобатдаги позициясини оширишни таъминлаш билан боғлиқ. Агар корхона ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошираётган товар ва молия бозорларининг ривожланиш тенденциялари пайдо бўладиган ҳолатларга мос тушмаса, бу корхона операцион фаолият ривожланишининг стратегик мақсадлари молиявий чеклашлар билан боғланмаганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатда корхона операцион фаолият стратегиясига мос равишда тузатишлар киритишларига тўғри келади.

3. Молиявий фаолиятни стратегик бошқаришни тадбиркорлик стилига мақсадли йўналтириш принципи. Бу принцип корхоналарда молиявий

бошқарувни тадбиркорлик стилига мос ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди.

Стратегик молиявий бошқарувнинг ўсиш стили корхона молиявий фаолиятининг ривожланиш даражаси юқори бўлган ҳолатда қабул қилинадиган молиявий қарорлар муқобил вариантларини минималлаштиришни ўзида акс эттиради ва ривожланиш даражасини сақлаб қолишни ўзида акс эттиради.

Стратегик молиявий бошқарувнинг тадбиркорлик стили асосини молиявий фаолиятнинг барча йўналишлари ва шакллари бўйича самарали бошқарув қарорлари устида фаол ишлаш ташкил этади. Молиявий бошқарувнинг бу стили ташқи омиллар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда қўйилган стратегик мақсадларга эришиш учун молиявий фаолиятларни амалга оширишнинг барча йўналишлари, шакллари ва методлари доимий уйғунлашуви билан боғлиқ.

Иқтисодий адабиётларда стратегик молиявий бошқарувнинг ўсиш стили консерватив (эскиликка ёпишиб олиш) усул сифатида, шу билан бир вақтда тадбиркорлик стили – агрессив, жадаллик билан ривожланишга йўналтирилган усул сифатида қаралади. Бу бўйича кўпчилик иқтисодчилар хулосасига кўра стратегик молиявий бошқарувнинг тадбиркорлик стили янги бошқарув парадигмаси – стратегик бошқарув билан боғланади.

4. Стратегик молиявий ривожланишнинг доминант соҳаларини белгилаш принципи корхона молиявий фаолиятининг энг муҳим йўналишларини белгилаш имконини беради ва уни муваффақиятли амалга оширишнинг бош мақсад вазифаси узоқ муддатли истикболга корхонанинг бозор қиймати доимий ўсиб боришини таъминлаш ҳисобланади. Бунда асосий эътибор молиявий ресурсларни шакллантириш, уларни тўғри тақсимлаш ва фойдаланиш самарадорлигини ошириш, молиявий рискларни бошқариш, бошқарув сифатини ошириш масалаларига қаратилади (стратегик молиявий ривожланишнинг доминант соҳалари тавсифи ҳақида кейинги параграфда тўхталиб ўтилган).

5. Молиявий стратегиянинг мослашувчанлигини таъминлаш принципи. Бу принцип корхона молиявий фаолиятининг келгусидаги ривожланиши ҳар доим ҳам ноаниқлик шароитида юзага келади. Шунинг учун ишлаб чиқилган корхона молиявий стратегиясини уни амалга оширишнинг барча босқичларида ўзгаришсиз кўринишда сақлашнинг имкони йўқ. Бундай шароитда молиявий менежерларнинг муқобил стратегик хатти-ҳаракатлари асосида ишлаб чиқилган молиявий стратегиянинг юқори даражадаги эгилувчанлиги асосий ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Стратегик мослашувчанлик молиявий фаолиятни амалга оширишнинг ички ёки ташқи шарт-шароитлари ўзгариши натижасида янги стратегик молиявий қарорларни ишлаб чиқиш ёки тезкор коррективкалар амалга ошириш бўйича корхонанинг реал имкониятларини ўзида акс эттиради. У молиявий фаолиятни ички ташкилий мувофиқлаштириш орқали молиявий ресурсларни бир стратегик хўжалик юритиш зонасидан бошқасига осонлик билан кўчириш (ўтказиш) имкониятини беради.

6. Стратегик молиявий танловларнинг муқобилини танлаш принципи стратегик молиявий қарорлар асосида молиявий фаолиятни амалга ошириш йўналишлари, шакллари ва методларининг муқобил вариантларини қидириш, умумий молиявий стратегияни шу асосда қуриш учун энг яхшисини танлаш ва уни самарали амалга ошириш механизмини шакллантиришда намоён бўлади. Муқобилликда бутун корхона стратегик бошқарув тизимида муҳим фарқ қилувчи хусусиятлар инобатга олинган бўлади ва у стратегик молиявий тўпламнинг барча элементлари – молиявий мақсадлар, молиявий фаолиятнинг алоҳида кўринишлари, молиявий ресурслар шаклланиш манбалари, молиявий бошқарув стили ва менталитетлари билан боғланган.

7. Молиявий фаолиятда технологик ривожланиш натижаларидан доимий фойдаланишни таъминлаш принципи молиявий стратегияни шакллантиришда корхонанинг бозордаги рақобатчилик позицияси ўсишини таъминловчи технологик янгиликларни жорий этиш орқали молиявий фаолиятнинг бош механизмларини ишлаб чиқишни англатади. Шунинг учун

корхонанинг умумий стратегик ривожланиш мақсадларини амалга ошириш технологик ривожланиш натижаларидан тезкорлик билан фойдаланишга сезиларли даражада боғлиқ бўлиб, бунда технологик ривожланиш натижалари жараёни енгиллаштиради.

8. Стратегик молиявий қарорлар қабул қилиш жараёнида молиявий рисклар даражасини ҳисобга олиш принципи молиявий стратегияни шакллантириш жараёнида қабул қилинадиган барча асосий молиявий қарорлар амалий жиҳатдан турли даражада молиявий рисклар билан боғланганлигини ҳисобга олишни ўзида акс эттиради. Бу боғлиқликни биринчи навбатда молиявий фаолият йўналишлари ва шакллари танлаш, молиявий ресурсларни шакллантириш, молиявий фаолиятни бошқаришнинг янги ташкилий тузилмаларини жорий этишда қўришимиз мумкин. Хусусан, молиявий рискларнинг юқори даражаси фоиз ставкалари тебраниш даври ва инфляциянинг ўсиш давларида кузатилади. Молиявий менежерларнинг турли хил менталитетлари билан боғлиқ равишда ҳар бир корхонада молиявий стратегияни ишлаб чиқиш жараёнида молиявий рискларга йўл қўйиш даражасига нисбатан аниқ дифференциал (табақалашган) параметрлар ўрнатилиши лозим. Бунда белгиланадиган параметрлар йўл қўйилаётган рискларнинг юзага чиқиши натижасида қўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтириш мақсадида чора-тадбирларни ўзида мужассам этади.

9. Молиявий стратегияни амалга ошириш жараёнини молиявий менежерлар профессионал аппаратига йўналтириш принципи корхона молиявий стратегияси алоҳида параметрларини ишлаб чиқишга, уни амалга оширишга махсус тайёрланган мутахассислар – молиявий менежерлар жалб қилиниши лозимлигини англатади. Бундай менежерлар стратегик бошқарувнинг асосий принциплари, молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатларини бошқариш механизмлари билан таниш бўлишлари, молиявий контроллинг методларини эгаллаган бўлишлари лозим.

10. Ишлаб чиқилган молиявий стратегиянинг ташкилий тузилма ва ташкилий маданиятга мувофиқлигини таъминлаш принципи молиявий

стратегияни самарали амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида бошқарувнинг ташкилий тузилмаларидаги ўзгаришлар ва ташкилий маданиятни ўзаро мувофиқлаштиришда намоён бўлади. Бу соҳада кўзда тутилган стратегик ўзгаришлар молиявий стратегия параметрлари ва уни амалга оширишни таъминлашнинг таркибий қисми бўлиши лозим.

1.2. Корхоналарда стратегик молиявий ривожланиш доминант соҳалари тавсифи

Корпоратив молия стратегиясини ишлаб чиқишда молиявий фаолиятни ривожлантиришнинг доминант соҳалари сифатида корхона молиявий ресурсларини шакллантириш стратегияси, корхона молиявий ресурсларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш стратегияси, корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси, корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатини ошириш стратегиялари кўриб чиқилади. Шунингдек, айрим олимлар томонидан солиқ стратегияси ҳам алоҳида доминант соҳа сифатида келтирилади.

Корхона молиявий ресурсларини шакллантириш стратегияси корхона молиявий ресурсларини стратегик ривожланиш эҳтиёжларига мос равишда шакллантириш имкониятини яратишни бош вазифа сифатида назарда тутди ва унда қуйидагиларга эътибор қаратилади: корхона молиявий ресурсларининг ички манбалар ҳисобидан шаклланиш имкониятини ўстириб боришни таъминлаш; корхонада зарур “молиявий эгилувчанлик”ни таъминлаш (ташқи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги); корхона молиявий ресурслари шаклланиш манбалари таркибини улар қиймат мезонлари бўйича оптималлаштириш; корхона молиявий ресурсларини тақсимлаш стратегияси.

Корхона молиявий ресурслари тақсимланишини улардан фойдаланиш самарадорлиги мезонлари бўйича оптималлаштиришни назарда тутди ҳамда қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга жиддий эътибор қаратади:

1. Корхона хўжалик фаолиятининг турлари ва асосий йўналишлари бўйича молиявий ресурсларнинг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш.

2. Корхонанинг стратегик хўжалик бирликлари бўйича молиявий ресурсларнинг зарур мутаносибликда тақсимланишини таъминлаш.

3. Корхонада молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида уларнинг юқори самарадорлик асосида қайтимини таъминлаш.

Корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш стратегияси стратегик ривожланиш жараёнида молиявий барқарорликни таъминлаш назарда тутилади ва бунинг учун қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга эътибор қаратилади: корхонанинг доимий тўловга қобилиятлилигини таъминлаш; корхонанинг етарлича молиявий барқарорлигини таъминлаш; корхонада молиявий рискларнинг мумкин бўлган салбий оқибатларини нейтраллаштириш; инқирозли ривожланиш шароитида корхонани молиявий соғломлаштиришнинг зарур чора-тадбирларини амалга ошириш.

Корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатини ошириш стратегияси белгиланган стратегик даврда истиқболда корхона молиявий фаолиятини бошқаришнинг сифатни ошириш шарт-шароитлари тизимини шакллантиришни назарда тутди ва бунда қуйидагиларни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилади: молиявий менежерларнинг юқори даражада ихтисослашувини таъминлаш; корхонани ривожлантириш бўйича муқобил молиявий қарорлар ишлаб чиқишнинг етарлича ахборот базаларини таъминлаш; молиявий фаолиятни бошқаришда замонавий техник воситаларидан, илғор молиявий технологиялар ва инструментларни амалиётга жорий этиш ва уладан самарали фойдаланиш; молиявий фаолиятни бошқаришнинг самарали ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш; молиявий менежерлар юқори даражадаги ташкилий маданиятини таъминлаш.

Корхоналарда молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни аниқ босқичлар кетма-кетлигига асосланиши лозим. Шундагина молиявий стратегиядан кутилаётган самарадорликка эришиш таъминланиши

мумкин. Умуман молия стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш босқичлари сифатида қуйидагиларга эътибор қаратилади (4-жадвал):

4-жадвал

Корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг асосий босқичлари

Босқичлар	Изоҳ
1-босқич	Молиявий стратегияни шакллантиришнинг умумий даврини аниқлаш
2-босқич	Ташқи молиявий муҳит билан боғлиқ омилларни ўрганиш
3-босқич	Корхона молиявий фаолиятининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш
4-босқич	Корхонанинг стратегик молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш
5-босқич	Молиявий фаолиятнинг стратегик мақсадларини шакллантириш
6-босқич	Молиявий фаолиятнинг мақсадли стратегик меъёрларини ишлаб чиқиш
7-босқич	Асосий стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш
8-босқич	Ишлаб чиқилган молиявий стратегияни баҳолаш
9-босқич	Молиявий стратегияни амалга оширишни таъминлаш
10-босқич	Молиявий стратегияни амалга ошириш назоратини ташкил этиш

1. Молиявий стратегияни шакллантиришнинг умумий даврини аниқлаш. Бунда корхонани ривожлантириш корпоратив стратегиясини шакллантириш учун қабул қилинадиган давр молиявий стратегияга тобе характерда бўлиши керак, яъни молиявий стратегияни амалга ошириш белгиланган вақт чегарасидан чиқмаслиги лозим (бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда 3-5 йил доирасида, шунингдек корхонанинг ҳаётий цикли, тармоқ бўйсунуши ҳисобга олинади).

2. Ташқи молиявий муҳит билан боғлиқ омилларни ўрганиш. Бунда корхона молиявий фаолияти иқтисодий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва уларнинг молиявий стратегия белгиланган даврда мумкин бўлган ўзгаришлари ўрганиб чиқилади. Бундан ташқари бу босқичда молиявий бозор конъюктураси ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинади, шунингдек корхонанинг истиқболдаги молиявий фаолияти билан боғлиқ алоҳида сегментлари кесимида молиявий бозор конъюктураси прогнози ишлаб чиқилади.

3. Корхона молиявий фаолиятининг кучли ва заиф томонларини баҳолаш. Бундай баҳолаш жараёнида очилаётган инвестицион имкониятлардан фойдаланиш учун корхонанинг етарлича реал имкониятга эгаллиги, шунингдек молиявий фаолият самарадорлигини пасайтирувчи ички

омиллар аниқланиши керак. Молиявий фаолиятни амалга оширишдаги ички муаммолар диагностикаси учун корхонанинг турли функционал зоналарини ўрганишга асосланган, молиявий фаолиятни ривожлантиришни таъминловчи корхона бошқарувини тадқиқ қилиш методидан фойдаланилади. Тадқиқ қилиш функционал зоналари сифатида қуйидагилар тавсия этилади:

- фаолиятни диверсификациялаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга доир маркетинг имкониятлари;
- инвестицион ресурсларни шакллантиришнинг молиявий имкониятлари;
- молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминловчи профессионал ва малакали ходимлар таркиби, сони;
- корхонада стратегик молиявий қарорлар қабул қилишни таъминловчи ахборот базаси мавжудлиги;
- корхона бошқаруви ташкилий тузилиши ва ташкилий маданияти ҳолати.

4. Корхонанинг стратегик молиявий ҳолатини комплекс баҳолаш. Бундай баҳолаш жараёнида корхона молиявий фаолиятини ривожлантиришнинг имкониятлари ва чегараларини тавсифловчи асосий параметрлар ҳақида аниқ тасаввур олиниши керак. Бу параметрлар қуйидагилар:

- корхона мулкдорлари, бошқарувчилари ва молиявий менежерлари стратегик тафаккур даражаси;
- фаолиятга таъсир этувчи ташқи муҳит муҳим элементларининг ҳолати ва истиқболдаги динамикаси ҳақида молиявий менежерларнинг билим даражаси;
- корхонада молиявий таҳлил, режалаштириш ва назорат тизимининг амал қилиш самарадорлиги;
- стратегик масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар.

5. Молиявий фаолиятнинг стратегик мақсадларини шакллантириш. Бу фаолиятнинг асосий мақсади корхона мулкдорларининг манфаатдорлик

даражасини ошириш ва корхонанинг бозор қийматини максималлаштиришда намоён бўлади. Шу билан биргаликда бу бош мақсад корхонанинг истиқболдаги молиявий ривожланиш вазифалари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаштиришни талаб қилади. Стратегик мақсадлар тизими молиявий фаолиятнинг энг самарали йўналишларини танлаш, молиявий ресурсларнинг етарлича миқдорини шакллантириш ва улар таркибини оптималлаштириш; истиқболдаги хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида молиявий рисклар даражасини мувофиқлаштириш ва бошқаларни таъминлаши лозим.

6. Молиявий фаолиятнинг мақсадли стратегик меъёрларини ишлаб чиқиш. Олдинги босқичда шакллантирилган стратегик молиявий мақсадлар тизими аниқ мақсадли стратегик меъёрлар билан аниқлаштирилиши лозим. Молиявий фаолиятнинг бундай мақсадли стратегик меъёрларни ишлаб чиқиш асосий бошқарув қарорларини қабул қилиш ва молиявий стратегия ижросини назорат қилиш учун база сифатида хизмат қилади.

7. Асосий стратегик молиявий қарорларни қабул қилиш. Бу босқичда молиявий фаолиятнинг мақсадларидан ва мақсадли стратегик меъёрлардан келиб чиққан ҳолда корхона молиявий ривожлантиришнинг асосий стратегиялари алоҳида доминант соҳалар кесимида молиявий сиёсат молиявий фаолиятнинг алоҳида жиҳатлари бўйича аниқланади. Белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун стратегик ҳолатларга муқобил вариантлар шакллантирилади ва уларни баҳолаш ҳамда танлаш амалга оширилади. Бу корхона стратегик молиявий ривожлантиришнинг комплекс дастурини шакллантириш имконини беради.

8. Ишлаб чиқилган молиявий стратегияни баҳолаш. Бундай баҳолаш корхона томонидан ўрнатилган махсус иқтисодий ва ноиқтисодий мезонлар тизими бўйича ўтказилади. Ишлаб чиқилган молиявий стратегияга баҳолаш натижалари бўйича зарурий тузатишлар киритилади, кейин эса амалга оширишга қабул қилинади.

9. Молиявий стратегияни амалга оширишни таъминлаш. Молиявий стратегияни амалга ошириш жараёнида белгиланган стратегик чора-тадбирлар олдиндан буйруқ асосида тайёрланади ва ташқи молиявий муҳит омилларининг шартли кутилмаган ўзгаришлар бўйича янги бошқарув қарорлари қабул қилинади.

10. Молиявий стратегияни амалга ошириш назоратини ташкил этиш. Бу назорат корхона молиявий фаолиятининг асосий стратегик мақсадли меъёрларини амалга ошириш йўлини акс эттирувчи стратегик молиявий контроллинг асосида амалга оширилади.

Корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнининг келтирилган кетма-кетликдаги асосий босқичлари корхона молиявий фаолияти хусусиятларини ва молиявий менежерлар стратегик тафаккурларини ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштирилиши ва деталлаштирилиши мумкин.

1.3. Молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларнинг молиявий хавфсизликни таъминлашдаги ўрни


Республикамизда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ўз тасарруфидаги барча ресурслар моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларидан самарали фойдаланишини тўғри йўлга қўйиши зарур бўлади.

Иқтисодчи олим М.Қ.Пардаев² ўзининг тадқиқотида: «Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири - таҳлил қилинаётган объект ёки бирорта иқтисодий тоифани ҳолисона баҳолаш учун уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш, уларни назарий ва методологик жиҳатдан ҳар томонлама асослашдан иборат» деб айтган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари бу кенг қамровли тушунчадир. Уларнинг шаклланиши ва тақсимланиши бўйича тўлиқ ва ҳар томонлама асосланган хулоса чиқариш учун кўрсаткичлар тизимидан

² Пардаев М.Қ. “Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари”. – С.: 2002. 78 б.

фойдаланиш лозим. Кўрсаткичлар ҳақида тўғри хулоса чиқариш учун, аввало, уларни илмий жиҳатдан таснифлаш керак.



1.1-расм. Молиявий натижалар шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичларнинг иқтисодий мазмуни бўйича таснифи

1.1-расмдан кўринишича, молиявий натижаларнинг шаклланишини ифодаловчи кўрсаткичлар бир қанча. Бинобарин, уларнинг ҳар бири маълум

миқдорга эга бўлиши ва таҳлил қилинаётган тоифанинг у ёки бу жиҳатини ифодалаши керак. Бу ҳолат аниқ ахборотлардан фойдаланишни тақозо этади.

Иқтисодий таҳлилнинг энг муҳим вазифаларидан бири молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш ва уларни ҳисоб-китоб усулларини ишлаб чиқишдан иборат. XXI аср бўсағасида бу борада тадқиқот олиб борган И.Т. Абдукаримов³, Э.А. Акрамов⁴, М.И. Баканов⁵, И.О. Волжин⁶, М.Қ. Пардаев⁷, А.Д.Шеремет⁸ ва бошқалар молиявий натижаларни ифодаловчи ҳар бир кўрсаткични аниқлашнинг назарий жиҳатдан асосланган услубларини кўрсатиб берганлар.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини, уларнинг «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» да ифодаланишини, ҳар бир кўрсаткичнинг аниқланиш йўллари, молиявий натижаларнинг умумлашган кўрсаткичлари таҳлилинини ёритишдан иборат. Ушбу мавзунини таҳлил қилишда бевосита корхонанинг охириги натижаси, яъни фойда ва рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар ўрганилади. Аммо ушбу кўрсаткичлар бозор муносабатлари шароитида бир қанча омиллар таъсирида, кўпгина манбалар ҳисобидан шаклланади. Шу туфайли, корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг кўлами анча кенгайган.

Молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичлартизими унинг даромадлари, фойдаси ва рентабеллиги билан боғлиқ кўрсаткичлардир.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги...” Низомга асосан корхонанинг даромади қуйидагилардан иборат:

- 1.Маҳсулотни сотишдан келган соф тушум.
- 2.Корхонанинг асосий фаолиятидан келган бошқа даромадлар.
- 3.Молиявий фаолиятдан келган даромад
- 4.Тасодифий даромадлар.

³ Абдукаримов И.Т. «Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари». –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1999. 138 б.

⁴ Акрамов Э.А. «Корхоналарнинг молиявий ҳолатини таҳлили». –Т.: Молия. 2003. 152 б.

⁵ Баканов Б.И. «Экономический анализ в торговле». –М.: Эконмика. 2007. 180 б.

⁶ Волжин И.О. «Молиявий таҳлил». –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 1998. 105 б.

⁷ Пардаев М.Қ, Исроилов Б.И. «Иқтисодий таҳлил». –Т.: Мехнат. 2004. 67 б.

⁸ Шеремет А.Д., Негашев Е.В. «Методика финансового анализа деятельности коммерческих организаций». – М.: ИНФРА-М. 2004. 39 б.

Бу тарзда даромадларни бўлиниши корхонанинг хўжалик фаолиятига холис баҳо учун имконият беради.

I.Маҳсулотни сотишдан олинган соф тушум.

1.1. Сотишдан олинган соф тушум = маҳсулотни сотишдан олинган ялпи тушум - қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз солиғи, қайтиб келган товарлар, харидорларга берилган имтиёзлар ва бошқалар.

1.2. Экспорт фаолиятини амалга оширувчи корхоналар ҳаракатдаги қонунда кўзда тутилган тартиб фойдани ҳисоблайди.

1.3.Маҳсулотни сотишдан олинадиган тушум «Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги» Низомга мувофиқ аниқланади.

II. Асосий фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар.

Даромадларнинг бу моддалари “Бошқа операцион даромадлар ва киримлар” бўйича акс эттирилади.

Буларга қуйдагилар киради.

2.1.Хўжалик шартномалари шартларини бузганлиги учун тўланадиган жарима, ўсим ва бошқалар ҳамда зарарларни қоплаш юзасидан даромадлар.

2.2.Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари.

2.3.Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар, масалан, рента даромади, корхона ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлар.

2.4.Корхона асосий фондлари ва бошқа мулкларини сотишдан олинадиган даромад.

2.5.Тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарзларини тегишли счётга ёзишдан олинадиган даромад.

2.6.Бошқа операцион даромадлар.

III.Молиявий фаолиятидан олинадиган даромад.

Молиявий фаолиятидан олинадиган даромадлар қуйдаги асосий бўлимлар бўйича акс этирилади:

3.1.Уюшма компаниялар ва шўба корхоналаридан олинадиган даромадлар.

3.2.Бошқа олинадиган дивидендлар.

3.3.Шўба ва уюшма корхоналарига берилган қарзлар бўйича фоизлар.

3.4.Олинган бошқа фоизлар.

3.5.Чет эл валюталари ва операциялари ва валюта счётлари бўйича ижобий курс фарқлари.

3.6.Сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан олинадиган фойда.

Молиявий фаолиятидан олинадиган даромадга қуйдагилар киради:

1.Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улуши билан қатнашишдан олинадиган даромадлар; корхонага қаршли акция дивидентлари.

2.Узоқ муддатли ижарага берилган мулкдан олинадиган даромад.

3.Валюта счётлар ва валюта операциялари бўйича ижобий курс фарқлари.

4.Қимматли қоғозлар, шўба корхоналари ва бошқаларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан олинадиган фойда.

5.Молиявий фаолиятдан олинадиган бошқа даромадлар.

IV.Тасодифий фойда.

Фавкулотда фойда моддалари – бу олиними кутилмаган, корхона фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар ва муаммолар оқибатида олинган ғайри оддий хусусиятга эга фойдадир. Бунга асосий фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар бўлимида кўрсатиладиган ўтган даврларидаги даромадлари ва фойда кирмайди.

Корхонанинг соф фойдаси молиявий натижаларнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги тасдиқлаган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва уни сотиш бўйича харажатлар таркиби ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги» Низомга кўра қуйидаги оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак:

1. Ялпи фойда = Соф тушум – сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари.

2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан келган фойда (зарар) = ялпи фойда - давр харажатлари ± асосий фаолиятдан олинган бошқа даромад (харажат).

3. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда (зарар) = асосий фаолиятдан олинган фойда + олинган дивидендлар + бошқа олинган дивидендлар ± олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар ± бошқа олинган ва тўланган фоизлар ± валюта курси фарқи ± молиявий фаолият бўйича бошқа даромад (харажат).

4. Солиқ тўлагунга қадар фойда (зарар) = умумхўжалик фаолиятдан келган фойда ± фавқулоддаги фойда (зарар).

5. Соф фойда (зарар) = солиқ тўлагунга қадар фойда - фойдадан солиқ - бошқа солиқлар ва ажратмалар.

Фойда олиш ҳар қандай меҳнат жараёнининг натижаси ҳисобланади. Шу боис жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналар ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади. Шулардан келиб чиққан ҳолда мазкур ишнинг навбатдаги бўлими молиявий натижаларни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш усулларини такомиллаштиришга бағишланади.

1-боб бўйича хулосалар

1. Жамият, корхона жамоаси ва ҳар бир ходим манфаатларининг муштараклиги фойдани тақсимлаш ва унинг ҳисобидан такрор ишлаб чиқариш фондларини ташкил этиш орқали намоён бўлади. Фойдани тақсимлашда манфаатлар муштараклигини таъминлаш тамойилига амал қилинмаслик ёки ишлаб чиқаришнинг объектив қонун ва қоидаларини назардан четда қолдириш, сўзсиз мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини кескин тусда пасайишига ва охир-оқибат жамиятни сиёсий ва иқтисодий таназзулга олиб келади.

2. Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш иш ва хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширган ҳолда, кишилар эҳтиёжини кондиришга зарур бўлган миқдорда истеъмол қиймати яратишни бош мақсад қилиб қўйилиши, унинг ижтимоий йўналишини ифода этади. Лекин бу умумий ижтимоий йўналиш фақат жамият, меҳнат жамоаси ва ҳар бир ходимнинг иқтисодий манфаатларини муштараклигини таъминлаган ҳолдагина амалга ошади. Маълумки, қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш (фойда олиш) ҳар қандай иқтисодий формациянинг муҳим иқтисодий ва пировард натижаси ҳисобланади, зеро уни яратмасдан туриб ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда кўпгина ижтимоий, иқтисодий вазифаларни амалга ошириш имкони бўлмайди. Шу сабабли жамиятнинг, алоҳида олинган корхоналарнинг ва тадбиркорнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурат ҳисобланади.

3. Фойда синтетик баҳоловчи кўрсаткич бўлганлиги боис, унинг ўзгаришига кўпгина ташқи ва ички омиллар таъсир кўрсатади. Масалан, саноат корхоналарида маҳсулотни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг ўзгаришига қуйидаги тўрт омил таъсир кўрсатади :

- маҳсулотни сотиш баҳосининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархининг ўзгариши;
- сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгариши;
- маҳсулот ассортименти ва таркибининг ўзгариши.

4. Фойда хўжалик субъектларининг маҳсулот сотишдан, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари натижасидан ҳамда фавқулоддаги вазиятлардан сўнг ўз барча харажатларини қоплаб, қўшимча олган даромадлар йиғиндисидан иборатдир, деб тушуниш ҳам мумкин. Демак, олинган фойдани таҳлил қилишда, даромаднинг кўпайган ёки камайганлиги, бунинг ўзгариш сабабалари ҳамда таъсир этувчи омиллар ўрганилиши лозим.

5. Таҳлил молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни ўқиш, вертикал таҳлил, горизонтал таҳлил, трендли таҳлил ва кўрсаткичларни аниқлаш усулларида олиб борилади. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни

Ўқишда унинг сатрлар бўйича кўрсаткичлар тартибланишига, молиявий натижавийликни характерловчи умумий қаторларнинг қиймат ифодаси, ҳисобот даври ва ўтган йилнинг шу даври бўйича маълумотларига умумий изоҳ берилади.

II боб. КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИ

2.1. Маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Фойда кўрсаткичи кенг қамровли тушунчадир. Бу борада хорижда А. Д.Шеремет, Е. В. Негашевлар⁹, Г. В.Савицкая¹⁰ ва мамлакатимизда М.Қ.Пардаев¹¹ ва бошқалар томонидан чоп этилган иқтисодий адабиётларда тегишли тавсиялар берилган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий натижаларни таркиб топиши ҳақидаги” Низомга асосан оралиқ фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади. Таҳлил қилиш авваламбор, корхона ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади.

Маҳсулотлар сотишдан олинган ялпи молиявий натижа фойда ёки зарар қуйидаги боғланишлар асосида аниқланади. Яъни, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумдан шу маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннархини чегириш асосида аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижалари таркибида асосий ўринни маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган ялпи фойда ташкил этади. Молиявий натижаларнинг асосий қисми маҳсулот, иш, хизматларни сотишдан шаклланганлиги сабабли

⁹ Шеремет А.Д., Негашев Е.В. «Методика финансового анализа». –М.: ИНФРА-М. 2007.

¹⁰ Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». -М.: ИНФРА-М. 2006.

¹¹ Пардаев М.Қ. «Иқтисодий таҳлил». –Т.: Меҳнат. 2004.

таҳлилда асосий эътибор ушбу қаторнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Таҳлилда сотишнинг учта қатори характерланади:

- 1.Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан молиявий натижа.
- 2.Асосий воситаларни ҳисобдан чиқариш ва сотишдан молиявий натижа.
- 3.Бошқа активларни сотишдан олинган натижа.

Уларни бухгалтерия ҳисобида алоҳида ҳисоб объекти ёки даромадларнинг юзага чиқиш шакли ёки ўрни сифатида таркибланиши белгиланган. Бунда асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилиши ва сотилиши, бошқа активларни сотишдан олинган натижалар асосий ишлаб чиқаришнинг бошқа жараёнлари сифатида қаралади. Уларни молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда операцион даромадлар ва харажатлар қатори кўрсатилиши таркибланган.

Ишлаб чиқаришнинг чекланган ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ички имкониятларни излаб топишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, омилли таҳлил усулларида кенг миқёсда фойдаланишни талаб қилмоқда. Шу боисдан мазку тадқиқот ишда маҳсулот сотишдан олинган фойда ёки зарар ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилди.

Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар;
- корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган омиллар ёки ташқи омиллар.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннари, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган омилларни тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Корхонанинг ўзига боғлиқ бўлган омилларга маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннарни, ҳажми, ассортимент ва структура омиллари киритилади. Унинг ўзига боғлиқ бўлмаган ёки ташқи омилларга давлатнинг солиқ сиёсатининг ўзгариши, баҳо омили ва бошқа омиллар киради.

Умумий жиҳатдан олганда фақат корхонанинг ўзига тегишли ва тегишли бўлмаган таъсир омилларини тартиблаш қийин. Уларни фақат нисбий жиҳатдан қараш мумкин.

Маҳсулот, иш ва хизматларни сотилган қаторга киритишда бевосита мулкӣ эгалик ва уларни тасарруф этиш шартидан келиб чиқилади. Маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган ялпи фойда тахлилида бевосита маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шартига ҳам баҳо бериш мумкин. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti маҳсулот, иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум суммасидан барча ўзгарувчан харажатларни чегиришни характерлайди. Бунда янгидан яратилган қиймат фақат ўзгарувчан қийматнинг ўзидан иборат бўлади. Яъни, корхона маржинал-лик шartiда критик ҳажм даражасида фойда суммасига эга бўлмайди. У фақат ишлаб чиқариш харажатларини, ўзгарувчан ва ўзгармас харажатларни қоплаш даражасидаги маҳсулот ҳажмигагина эга бўлади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг маржиналлик шarti корхона ишлаб чиқариш режаси ва фаолият натижавийлигини олдиндан белгилаш имконини беради.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг критик даражаси ҳам одатда ушбу қатор бўйича ўрганилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг критик ҳажм даражаси деганда корхонанинг фойда ёки зарар олмасдан маҳсулот иш ва хизматлар ҳажмини белгилаш даражаси олинади. Критик ҳажм даражасида маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан олинган тушум фақат шу маҳсулот иш ва хизматларга кетган ўзгарувчан ва доимий ўзгармас харажатларни қоплашга етиши кузатилади.

Критик ҳажм даражаси амалий қўлловимизга эндигина кириб келаётган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш асосида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ёки фойда режасини олдиндан чамалаш, белгилашда асосий кўрсаткич сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Таҳлилда критик ҳажм даражаси ва уни аниқлашнинг услубий боғланишлари белгиланади. Шунингдек унинг ўзгаришини омилли таҳлил этиш орқали ечимлар берилади.

Критик ҳажм даражасини қуйидаги формула шаклида ифода этиш мумкин. Бунда бевосита маҳсулотнинг қиймат ифодасидан ёки сотиш баҳосидан келиб чиқилади. Маҳсулотнинг қиймат ифодасини эса қуйидагича белгилаш мумкин.

Маҳсулот қиймати = Ўзгарувчан харажат + Ўзгармас харажатлар + фойда.

Бундан критик ҳажм даражасига юқорида берилган таърифдан келиб чиққан ҳолда қуйидаги боғланишни бериш мумкин.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ҳажми = Ўзгарувчан харажатлар + ўзгармас харажатлар + 0.

Бу бевосита қийматни иқтисодий категория сифатида белгилашдаги ифодаланишнинг ўзидан иборатдир. Яъни

Маҳсулот ҳажми = Доимий капитал + Ўзгарувчи капитал + Фойда.

Критик ҳажм даражасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- маҳсулот бирлигига тўғри келадиган ўзгарувчан харажатларнинг ўзгариши;
- маҳсулот бирлигининг баҳоси;
- маҳсулотлар миқдор ўзгаришлари;
- ўзгармас харажаталар ўзгариши ва ҳ.к.

Энди, маҳсулотлар сотишдан олинган фойда (зарар) ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш учун қуйидаги 2.1-жадвални келтирамиз, (2.1.-жадвал).

2. 1-жадвал

“O’zkiyosanoatloyiha” АЖ да маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Тар-тиб рақа-ми	Кўрсаткичлар	2012	2013	Ўзгариши (+,-)	Ўсиш суръати, %
1.	Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	1394779	1641263	+246484	117,67
2.	Сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарни	1017940	1326274	+308334	130,29
3.	Маҳсулот сотишдан келган ялпи фойда (1қ – 2қ)	376839	314989	-61850	83,59

2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “O’zkiyosanoatloyiha” АЖда ялпи фойда ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 16,41 (100-83,59) % га камайган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатди:

1.Маҳсулот сотишдан олинган соф тушум ҳажмини 246484 минг сўмга ошиши натижасида ялпи фойда миқдори 65,41 % га ($246484 \times 100 : 376839$) ошди.

2.Сотилган маҳсулот таннарни 308334 минг сўмга ортиши эвазига ялпи фойда миқдори 81.82 % га ($308334 \times 100 : 376839$) камайган.

Шундай қилиб юқорида ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири $(+65,41 + (-81,82) = -16,41 \%)$. Бу фоиз эса ялпи фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга тенг $(+16,41\%)$ тенг.

Энди, маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.2-жадвал).

2. 2-жадвал

Маҳсулотлар сотишдан келган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Натижа вий кўрсаткич – ялпи фойда (1y-2y)	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+,-)	Ўзгариш сабаблари
		маҳсулот сотишдан олинган соф тушум	сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннари			
А	Б	1	2	3	4	5
1	-	1394779	1017940	376839	-	
2	1	1641263	1017940	623323	+246484	Соф тушум ошган
3	2	1641263	1326274	314989	-308334	Таннарх ошган
Омиллар баланси: -61850						

2.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “O’zkimyosanoatloyiha” АЖ да маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 61850 минг сўмга камайган ёки унинг ўсиш суръати 83,59 % ни ташкил қилган. Соф тушум ҳажмини 246484 минг сўмга кўпайиши ялпи фойдани шу суммага оширди. Ялпи фойда сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннарини ошиши ҳисобига 308334

минг сўмга камайди. Ҳисобланган 2 та омилнинг таъсири: $(+246484) + (-308334) = -61850$ минг сўм.

Кўриниб турибдики, биз тавсия қилган усул билан ҳисоб-китоб қилинса, натижа ўзгаришига омиллар таъсирини ҳисоблашнинг имкони бўлади. Агар ушбу тавсиямиз амалиётда қўлланилса, корхоналарнинг фаолиятига тўғри баҳо бериш, уларни одилона бошқаришга эришиш мумкин бўлади.

Иқтисодий тараққиётни таъминлаш шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фойда кўрсаткичлари уларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятидан олинган фойдаси киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланади. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

Асосий фаолиятдан кўрилган фойдани аниқлаш учун маҳсулотлар сотишдан тушган ялпи фойдадан давр харажатлари ва асосий фаолиятдан олинган бошқа харажатлар чегирилиши, асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши тавсия этилган.

Корхонада асосий фаолиятдан олинган фойда (зарар) ва уни ўзгаришига таъсир қилувчи омилларга баҳо беришда давр харажатлари, асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар ҳамда харажатларни ҳам таҳлил қилиш керак.

Давр харажатлари дейилганда - бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади. Давр

харажатлари таркибига маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган хўжалик сарфлари киритилади. Уларни юзага чиқиш шакли ва ўрнига қараб қуйидагиларга ажратиш мумкин:

- сотиш харажатлари;
- маъмурий харажатлар;
- бошқа операцион харажатлари.

Сотиш харажатлари – маҳсулот (иш, хизмат)таннархига киритиладиган харажатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ ягона тартиблашни ва тўғридан-тўғри корхона фаолият натижавийлиги боғланиши тартибланган.

Сотиш харажатлари маҳсулотларни харидор ва буюртмачиларга ортиб жўнатиш ва сотиш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

Сотиш харажатларини иш ҳақи харажатлари, иш ҳақидан ажратмалар, материал харажатлари, асосий воситалар ва номатериал активлар амортизацияси, реклама харажатлари, иш ва хизматлар, бошқа харажат моддалари бўйича таркиблаш ва таҳлил этиш мумкин.

Маъмурий харажатлар қаторига корхона бошқаруви билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади ва уларнинг корхона сарфлари таркибидаги салмоғи сезиларли улушни ташкил этади. Бу бевосита раҳбарлар ва бошқарув аппаратурининг хизмати харажатларидир.

Бошқа операцион харажатлари қаторига юқоридаги таркибга киритилмаган харажатлар ишлаб чиқаришни таокмиллаштириш, ўзлаштириш ва янги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлган харажатлар киритилади.

Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромад ва харажатлар таҳлилида асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот иш ва хизматларни сотишдан ташқари фаолиятлардан олинган даромад ва йўқотишлари таҳлил этилади. Асосий фаолиятнинг бошқа жараён-лардан олинган даромад ва харажатлар кўпинча операцион даромадлар ва харажатлар деб ҳам айтилади.

Операцион харажатлар ва даромадлар қаторига бошқа сотишлардан олинган даромадлар ёки улар бўйича йўқотишлар киради.

Корхонанинг асосий фаолиятдан бошқа харажатларига қуйидагилар киради:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
- лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларида чалаликни бартараф этиш харажатлари;
- маслаҳат ва ахборот тизимларига ҳақ тўлаш;
- аудиторлик хизматлари учун тўловлар;
- саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларни ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари харажатлари;
- компенсация ва рағбатлантириш тусидаги тўловлар;
- иш ҳақини ҳисоблашда эътиборга олинмайдиган харажатлар, яъни моддий ёрдам;
- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини сақлаш харажатлари;
- соғломлаштириш, халқ таълими, ижтимоий таъминот ва шу каби ташкилотларга бадаллар;
- бюджетга мажбурия тўловлар, солиқлар ва йиғимлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар;
- зарарлар, жарималар, пенялар ва бошқа харажатлар.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф қилинган жарималар ва пенялар;
- ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари;
- ёрдамчи хизмат кўрсатувчи тармоқлардан олинган тушумлар;
- асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа мол-мулкларни сотишдан олинган даромадлар;

- даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;
- товар-моддий бойликларнинг қайта баҳоланишидан кўрилган натижалар;
- давлат субсидияларидан даромадлар;
- холисона молиявий ёрдам;
- бошқа операцион даромадлар.

Энди “O’zkiyosanoatloyiha” ОАЖ амалий маълумотларидан фойдаланган ҳолда операцион фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш учун қуйидаги жадвални тузиш тавсия қилинади, (2.3-жадвал).

2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “O’zkiyosanoatloyiha” АЖда асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 15796 минг сўмга ошган. Бунга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

2.3-жадвал

“O’zkiyosanoatloyiha” АЖнинг асосий фаолиятдан кўрилган фойда (операцион фойда) ҳажмининг таҳлили

(минг сўм ҳисобида)

Тартиб рақами	Кўрсаткичлар	2012	2013	Мутлақ фарқ, (+,-)	Ўсиш суръати, %
1	Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда	376839	314989	-61850	83,59
2	Давр харажатлари	391704	436768	+45064	111,50
3	Асосий фаолиятнинг бошқа операцион даромадлари	15912	138622	+122710	8,7 Марта
4	Асосий фаолиятнинг бошқа операцион харажатлари	-	-	-	-
5	Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан тушган фойда (1қ-2қ+3қ-4қ)	1047	16843	+15796	16 марта

1.Товарларни сотишдан тушган ялпи фойда ҳажмининг 61850 минг сўмга камайиши натижасида асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу суммага камайди.(-)

2.Давр харажатлари ҳажмининг 45064 минг сўмга ортиши эвазига асосий фаолиятдан тушган фойда миқдори шу миқдорда камайган.(-)

3.Бошқа операцион даромадлар миқдори 122710 минг сўмга ошган. Бу эса, ўз навбатида, асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмини шу суммага оширган.(+)

Шундай қилиб, юқорида ҳисобланган 3 та омилнинг таъсири:
 $(-61850)+(-45064)+(122710) = +15796$ минг сўм. Бу эса асосий фаолиятдан тушган фойда ҳажмида бўлган умумий фарқга (+15796) тенг.

Энди, асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Асосий фаолиятдан келган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

(минг сўм ҳисобида)

Ҳисобнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натижавий кўрсаткич - операцион фойда [1y-2y+3y]	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+,-)
		ялпи фойда	давр харажатлари	асосий фаолиятдан келган бошқа операцион даромадлар		
А	Б	1	2	3	6	7
1	-	376839	391704	15912	1047	-
2	1	314989	391704	15912	60803	+59756
3	2	314989	436768	15912	105867	+45064
4	3	314989	436768	138622	16843	-89024
Омиллар баланси:						+15796

Одатда, операцион даромадларни асосий қисми хўжалик шартномасига мувофиқ мол етказиб бериш бўйича шартномаларни бажармаганлиги учун тўланадиган жарима, пеня (ўсим) ҳамда юзага келган зарарларни қоплашдан тушган даромадлар; ҳисобот йили аниқланган ўтган йилдаги фойда миқдори; рента даромади; асосий фондлар ва бошқа моддий бойликларни сотишдан келадиган даромадлар; тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва депонентлик қарзлари; корхонанинг ошхонаси, ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган даромадлардан иборат бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти яна ҳам кенгайиб бормоқда. Субъектлар давр тараққиёти билан шахдам кадам ташлаш мақсадида ўз фаолиятининг турларини кўпайтиради ва ривожлантиради. Ушбу ўзига хос турлари ҳозирги даврда кенг ва тезкор ривожланиб бораётган молиявий фаолиятдир.

Корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятидан ташқари молиявий соҳалар натижасида ҳам фойда ёки зарар олишлари мумкин. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарар, бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммасига молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар қўшилади ва зарарлар айрилади.

Корхоналарни хўжалик ҳамда молиявий фаолиятларидан олинадиган даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, молиявий фаолиятдан юзага келадиган харажатлар улушининг ортиши корхоналарни инқирозга олиб келиши мумкин. Ҳозир молиявий фаолиятдан кўрилган натижаларнинг хўжалик юритувчи субъектлар якуний молиявий натижаларига кўрсатаётган таъсири беқиёс даражада ошиб бормоқда.

Молиявий фаолиятдан олинган натижа корхона фаолият натижавийлигининг алоҳида ҳисоб қатори сифатида таркибланади. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар қатори «Маҳсулот (иш ва хизмат)лар таннарига киритиладиган харажатлар, маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий

натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ таркибланади.

Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс еттирилади:

1. Уюшма ва шўба корхоналаридан олинadиган даромадлар.
2. Бошқа олинган даромадлар.
3. Уюшма ва шўба корхоналарига берилган қарзлар бўйича фоизлар.
4. Чет эл валюталари операциялари ва валюта счетлари бўйича ижобий курс фарқлари.
5. Сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан олинadиган фойда.

Молиявий фаолиятидан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида жойлашган корхона фаолиятида ўз улиши билан қатнашишидан олинadиган даромадлар, корхонага қарашли акция дивидентлари;

- узоқ муддатга ижарага берилган мулкдан олинadиган даромадлар;
- валюта счёtlари ва операциялари бўйича ижобий курс фарқлари;
- фоизлар бўйича бошқа тўловлар.

Молиявий харажатларга қуйдаги моддалар киради:

- банкга қисқа муддатли кредитлар бўйича тўловлар ва мол етказиб берувчилар кредитлари бўйича фоиз тўловлари харажатлари;

- узоқ муддатга ижарага олинган мулк юзасидан фоиз тўлаш бўйича харажатлар;

- чет эл валютаси билан боғлиқ операциялар юзасидан зарар ва салбий курс фарқлари;

- сармояланган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарарлар;
- қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар;
- молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

Таҳлилда уларнинг режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгаришларига, мутлоқ ва нисбий ўзгаришларига баҳо берилади ҳамда унинг ўзгаришига

таъсир этувчи омиллар ўрганилади. Таъсир этувчи омиллар ҳар бир таркиб катор бўйича алоҳида ва умумий асосда ўрганилади.

Таҳлил учун зарур бўлган маълумотлар молиявий натижалар тўғрисидаги молиявий ҳисоботдан ва унинг каторлари бўйича берилган изохлардан олинади.

“O’zkiyosanoatloyiha” АЖ бўйича умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойдани ўсиш суръатини ҳавола этамиз (2.5 -жадвал).

2.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, “O’zkiyosanoatloyiha” АЖ да умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойда ҳажми 2010 йил охири йил бошига нисбатан 1706 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 113,75 % ни ташкил этди. Жамиятда молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳажми ҳисобот йили боши 11739 минг сўмни, охирида эса 165 минг сўмни ташкил қилган ҳолда, 11574 минг сўмга камайди. Молиявий фаолиятда харажатлар ҳажми эса ҳисобот йили охири 2897 минг сўмдан иборат бўлиб, 2516 минг сўмга ошди.

Умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.6-жадвал).

2.5-жадвал

“O’zkiyosanoatloyiha” АЖ бўйича умумхўжалик фаолиятдан кўрилган фойданинг ўсиш суръати

(минг сўм)

Кўрсаткичлар	2012		2013		Ўзгариши (+,-)	
	фойда	зарар	Фойда	зарар	фойда	зарар
А	1	2	3	4	5 (3-1)	6(4-2)
1. Операцион фойда	1047	-	16843	-	+15796	-
2. Дивидендлар шаклидаги даромадлар	32	-	32	-	-	-
3. Фоизлар шаклидаги даромадлар (харажатлар)	7791	-	-	-	-	-
4. Молиявий лизингдан даромадлар (харажатлар)	-	-	-	-	-	-
5. Валюта курси фарқидан даромадлар (зарарлар)	3916	381	133	2897	-3783	+2516
6. Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари	-	-	-	-	-	-

(харажатлари)						
7.Молиявий фаолият бўйича жами даромадлар (харажатлар) Жами (2+3+4+5+6)	11739	381	165	2897	-11574	+2516
8.Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (1+-7)	12405	-	14111	-	+1706	-

Шуни таъкидлаш керакки, соф фойда миқдори фақат бир асосий фаолиятгагина боғлиқ эмас. Унинг шаклланишида бир қатор қўшимча фаолиятлар ҳам мавжудки, уларнинг корхонанинг соф фойдасининг шаклланишидаги ҳиссаси катта. Булар қаторига молиявий фаолиятдан олинган фойда (зарар), тасодифий фойда (зарар)лар киради.

2.6-жадвал

Умумхўжалик фаолиятдан қўрилган фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ҳисоб-китоби

(минг сўм)

Ҳисоблашнинг тартиб сони	Алмаштиришнинг тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар			Натija-вий кўрсаткич-умумхўжалик фаолиятдан келган фойда, 1ус + 2ус - 3ус	Олдинги ҳисобга нисбатан фарқ, (+, -)	Ўзгариш сабаблари
		операцион фойда	молиявий фаолият бўйича жами даромадлар	молиявий фаолият бўйича жами харажатлар			
А	Б	1	2	3	4	5	6
1	-	1047	11739	381	12405	-	-
2	1	16843	11739	381	28201	+15796	Операцион фойда ошган
3	2	16843	165	381	16627	-11574	Молиявий фаолиятдан тушган даромад камайган
4	3	16843	165	2897	14111	-2516	Молиявий фаолиятдан қўрилган зарарлар қўпайган
Омиллар баланси: +1706							

Корхонанинг солиқ тўлангунга қадар фойдаси асосий ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятидан олинган натижа, фавқулодда фаолиятдан ёки ҳолатлардан натижаси жамланган ҳолда жорий давр бўйича аниқланади. Солиқ тўлангунга қадар фойда давлатнинг ва ахборотдан фойдаланувчиларнинг эътибор шартига асосий қатор ҳисобланади. Даромад ва харажатлар уларнинг юзага чиқиш вақти ва ўрни бўйича юритилган ҳолда якуний натижа ушбу қоида асосида тузилади.

Солиқ тўлангунга қадар фойда умумхўжалик фаолиятидан олинган фойдага фавқулодда вазиятлардан кўрилган фойдани қўшиш ёки зарар бўлса айириш йўли билан аниқланади.

Фавқулодда фойда (зарар) бу – олинган кутилмаган, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидан ташқаридаги ҳолатлар оқибатида олинган (кўрилган) ғайриоддий хусусиятга эга фойда (зарар)дир. Бунга асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (харажатлар) кирмайди.

Тасодифий фойда 3 та мезон талабига жавоб бериши керак:

1.Бир қанча йиллар давомида қайтарилмаслиги.

2.Корхонанинг бошқарув ҳолатлари ёки мулкдорларнинг қабул қилган бошқарув қарорларига боғлиқ эмаслиги.

3.Корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятидан ташқари ҳолатлар оқибатида юзага келиши.

Корхоналарни одатий хўжалик фаолиятида шундай моддалар юзага келиши мумкинки, улар фақат ғайриоддий ёки кутилмаган ҳолатлар бўлиши мумкин. Масалан, чет эл валютаси бўйича операцияларидан кўрилган зарар кутилмаган зарар, лекин тасодифий эмас, зеро валюта курсининг беқарорлиги натижасида содир бўлган зарарлар оддий зарарлар қаторига киради.

Юқорида баён қилинганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, қуйидаги моддалар фавқулодда моддалар таркибига кирмайди:

1.Шубҳали дебиторлик қарзларини ҳисобдан чиқариш натижасида келадиган зарарлар.

2. Чет эл валютаси билан бўлган операциялар ва валюта счёти бўйича курс фарқларидан келадиган фойда (зарар).

3. Баҳони коррективировка қилиш.

4. Активлар баҳосини камайтириш.

5. Солиқлар бўйича ставкаларнинг ўзгариши.

6. Ўтган йиллардаги зарарларнинг ҳисобот йилида аниқланган миқдори.

7. Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йил фойдалари.

8. Тўлаш муддати ўтиб кетган кредиторлик ва дебиторлик қарзларни тегишли счётга ёзишдан олинган даромад.

Чет эл тажрибасига кўра фавқулодда зарарлар қуйидагилардан иборат:

1. Табиий офат натижасида юзага келадиган катта миқдордаги йўқотишлар.

2. Сиёсий танглик натижасида пайдо бўладиган йўқотишлар.

3. Қонун чиқарувчи ҳокимият томонидан қонунларни ўзгартириш натижасида юзага келадиган йўқотишлар.

Шундай моддалар ҳам борки, уларни фавқулодда зарарлар таркибига киритиш ёки киритмаслик масаласи ташқи муҳитга (об – ҳаво, жуғрофик жойлашиш) боғлиқ. Масалан, хўжалик юритувчи субъект совуқ бўладиган минтақада жойлашган бўлса, у ҳолда ернинг қаттиқ совуқ бўлиши натижасида ҳосилнинг нобуд бўлиши фавқулодда ҳодиса эмас.

“O'zkiyosanoatloyiha” АЖда солиқ тўлангунга қадар фойда таҳлилини келтирамиз, (2.7- жадвал).

2.7-жадвал**“O’zkiyosanoatloyiha” АЖда солиқ тўлангунга қадар фойда
ҳажмининг ўсиш суръати**

(минг сўм)

Т.р.	Кўрсаткичлар	2012	2013	Мутлақ фарқ, (+, -)	Ўсиш сурати, (%)
1.	Умумхўжалик фаолиятидан кўрилган фойда (зарар)	12405	14111	+1706	113,75
2.	Фавқулудда фойда (зарар)	-	-	-	-
3.	Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) (1қ. +,-2қ.)	12405	14111	+1706	113,75


2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «O’zkiyosanoatloyiha» акциядорлик жамиятида солиқ тўлангунга қадар фойда ҳажми 2013 йилда 2012 йилга нисбатан 1706 минг сўмга ошган ёки унинг ўсиш суръати 113,75 % ни ташкил этди. Жамиятда ҳисобот йили давомида фавқулудда фойда ва зарар кўрилмаган.

2.2.Соф фойда ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар таҳлили

Корхоналарни молиявий-хўжалик фаолиятини баҳоловчи барометр - соф фойда микдоридир. Шу сабабли ҳам соф фойда микдорини ўрганиш ва унга таъсир этувчи омилларга баҳо бериш корхона самарадорлигини оширишга олиб келади. Ҳар бир хўжалик субъекти ўз фаолияти натижасида соф фойдага эришишни кўзлайди. Ушбу кўрсаткич солиқ тўловига қадар бўлган фойда суммасидан фойдадан солиқ ва бошқа солиқлар ва ажратмаларни чегириш асосида аниқланади.

Соф фойда - корхонанинг бутун ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фаолиятининг ҳамма турлари бўйича, шу жумладан, маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича аниқланади.

Соф фойданинг шаклланиши ва уни тўғри тақсимлаш ҳамда ундан оқилона фойдаланишда шундай мақбул тартибни қўллаш керакки, токи у корхона жамоаси ва ҳар бир ходим меҳнатининг корхона жамоаси ва ҳар бир



2.1-расм.Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши.

ходим меҳнатининг ходим меҳнатининг самарадорлигини оширишга бўлган моддий манфаатдорлигини ўз-ўзидан кучайтирсин. Фойданинг шаклланиши ва ишлатилиши ўзига хос хусусиятга

Корхонада соф фойданинг таркиб топиши, унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш усуллари ҳамда соф фойдани тақсимлаш борасидаги ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича айрим тавсияларни келтирамиз. Бунинг учун эса қуйидаги жадвални тузишни тавсия қиламиз, (2.8-жадвал).

2.8-жадвал

“O’zkiyosanoatloyiha” AЖнинг соф фойдасини таҳлили

(минг сўм)

Тартиб рақами.	Кўрсаткичлар	2012		2013		Ўзгариши	
		сумма, минг сўм	сал- моғи, %	сумма, минг сўм	сал- моғи, %	сумма, минг сўм	Салмо- ғи, %
1.	Солиқ тўлангунга қадар фойда	12405	100	14111	100	+1706	-
2.	Фойда (даромад) солиғи	7063	56,94	9245	65,52	+2182	+8,58
3.	Бошқа солиқлар ва ажратмалар	425	3,42	389	2,76	-36	-0,66
4.	Жами солиқлар (2қ+3қ)	7488	60,36	9634	68,27	+2146	+7,91
5.	Ҳисобот даври соф фойдаси (зарари) (1қ-4қ)	4917	36,64	4477	31,73	-440	-4,91

2.6-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, “O’zkiyosanoatloyiha” ОАЖ бўйича 2012 йилда фойданинг 60,36 %и (56,94+3,42) давлат бюджетига тушган, 36,64 %и эса жамият ихтиёрида қолган. 2013 йилда эса бюджетга тўловлар 68,27 % ни (65,52% +2,76%) , соф фойда эса 31,73 % ни ташкил қилган.

2.6-жадвал маълумотларидан кўринишича, “O’zkiyosanoatloyiha” ОАЖда ҳисобот йили соф фойда ҳажми ўтган йилга нисбатан 440 минг сўмга камайган. Бу ўзгаришга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатган:

- 1.Солиқ тўлангунга қадар фойдани ўзгариши.
- 2.Солиқ ва тўловларнинг ўзгариши.

Ушбу омилларнинг таъсирини занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаймиз, (2.9-жадвал).

2.9-жадвал

Соф фойда ҳажмининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни занжирли алмаштириш усули орқали аниқлаш ҳисоб-китоби

Ҳисобни тартиб Сони	Алмаштиришни тартиб сони	Ҳисоб формуласи таркибига кирувчи омиллар		Умумлашган кўрсаткич – Соф фойда (1ус-2ус)	Олдинги ҳисобга нисбата н фарқ (+.-)	Ўзгариш сабаблари
		солиқ тўлангунга кадар фойда	жами солиқлар			
A	B	1	2	3 (1-2)	4	5
1	-	12405	7488	4917	-	
2	1	14111	7488	6623	+1706	Солиқ тўлангунга кадар фойда ошган
3	2	14111	9634	4477	-2146	Жами солиқлар ҳажми ошган

Омиллар баланси: -440

Соф фойда маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бевосита ва билвосита харажатлар, операцион даромадлар ва харажатлар қолдиғи, молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва харажатлар қолдиғи, тасодифий фойда ва зарарлар қолдиғи бўйича ҳам аниқланади.

Соф фойда ҳажмининг 440 минг сўмга камайиши қуйидаги омиллар ҳисобига рўй берди:

1.Маҳсулотни сотишдан тушган соф тушумни ўсиши корхонанинг соф фойдасини 246484 минг сўмга оширган (2.1-жадвал) ; (+)

2.Сотилган маҳсулотни ишлаб чиқариш таннархининг ошиши соф фойда ҳажмини 308334 минг сўмга камайтирган (2.1-жадвал) ; (-)

3.Давр харажатларини ўтган йилга нисбатан ошганлиги соф фойдани 45064 минг сўмга камайтирган (2.3-жадвал); (-)

4.Асосий фаолиятдан олинган даромадларини ошиши соф фойда ҳажмини 122710 минг сўмга кўпайтирган (2.3-жадвал) ; (+)

5.Молиявий фаолиятдан даромадларни камайтиши фойдани 11574 минг сўмга камайтирган (2.5-жадвал) ; (-)

6.Молиявий фаолиятдан харажатларни ошиши фойдани 2516 минг сўмга камайтирган (2.5-жадвал) ; (-)

7.Фойда солиғи ва тўловларини кўпайиши фойда суммасини 2146 минг сўмга камайтирган (2.8-жадвал). (-)

Шундай қилиб, барча омиллар таъсирида ҳисобот йили соф фойдасининг умумий фарқи келиб чиқади: $(246484-308334-45064+122710-11574-2516-2146= -440$ минг сўм.

Омилли таҳлил натижа кўрсаткичини яхшилашнинг ички имкониятларини излаб топиш йўллари аниқлаб берадиган энг муҳим иқтисодий воситалардан бири. Бинобарин, молиявий натижаларни омилли таҳлил қилишдан кўзланган асосий мақсад фойда турлари ва уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни ҳисоблаш ҳамда фойда миқдорини ошириш бўйича ички хўжалик имкониятлари суммасини аниқлаш, уларни ишлаб чиқаришга сафарбар қилишдан иборат.

Таҳлил қилинаётган “O’zki myosanoatloyiha” АЖнинг соф фойда ҳажмини ошириш учун катта имконият бўлган. Ҳисобланган 7 та омилдан 5 тасининг таъсири салбий бўлган. Агар ушбу омиллар 2012 йилдаги даражада сақланиб қолинганида эди, соф фойда суммаси 369634 минг сўмга ошган бўлар эди $(308334+45064 +11574+2516+2146)$. У ҳолда, соф фойданинг умумий ҳажми ҳисобот йили 374111 $(369634+4477)$ минг сўмни ташкил қилган бўлар эди. Демак, соф фойда ҳажмини ошириш бўйича имкониятлар миқдори 369634 минг сўмга тенг экан.

Бинобарин, “O’zkiyosanoatloyiha” АЖнинг бошқарув маъмурияти келажакда омилли таҳлил натижасида аниқланган ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, уларни амалиётга сафарбар қилиш йўллари ишлаб чиқиши лозим.

Солиқ тўлангунча қадар фойдани тақсимлаш деганда фойдани давлат бюджети даромадларини ташкил этишига, хўжалик юритувчи субъектларнинг ички пул маблағлари фондларини барпо этишга ва уларнинг бошқа эҳтиёжларини қондиришга йўналтириш тушунилади.

Фойдани тақсимлаш аввало, унинг умумий суммасидан алоҳида тартибда давлат бюджетига фойдадан солиқ ҳамда бошқа солиқ ва ажратмалар ажратишни назарда тутди. Солиқлар тўлангандан сўнг корхоналар тасарруфида қоладиган соф фойда дивидендлар тўлашга ва захира сармояни тўлдиришга йўналтирилади. Тақсимланмаган қисми бухгалтерия баланси пасивининг 2-бўлими «Ўз маблағлари манбалари» 450-сатри “Тақсимланмаган фойда” да кўрсатилади. Агар корхона зарар кўрган бўлса, шу сатрда зарарнинг ҳали қопланмаган қисми кўрсатилиб, ўз маблағлари суммасининг якуни худди шу суммага камайтирилади (480-сатр).

Фойдани тақсимлаш замирида бутун жамият манфаатларини меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан уйғунлаштириш, уларда ўз фаолиятларини такомиллаштиришдан, фойдани ортиши ва ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий ривожланиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланишдан манфаатдорликни вужудга келтириш ётади. “O’zkiyosanoatloyiha” АЖда 2013 йил бўйича ўртача ҳисобда фойданинг 68.27 % и давлат бюджетига тушган, 31.73 %и эса ташкилотлар ихтиёрида қолган.

Ҳозир давлатнинг ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун молиявий таъминоти барҳам топмоқда. Шу сабабли, корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда улуши кўпайиши керак. Фойда кўрсаткичларини омилли таҳлил усули амалиётда жорий қилинса, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, банкротлик ҳолатини олдини олиш, молиявий ва иқтисодий

салоҳиятни ошириш, ҳамда уларнинг хўжалик фаолиятига иқтисодий баҳо бериш имкони бўлади.

Молиявий ҳисобот таҳлил талабларига жавоб бериши керак. Хусусан, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”да (2-шакл) молиявий натижалар тўғрисидаги кўрсаткич соф фойда билан тугайди. Молиявий ҳисоботни тузиш ва ундан фойдаланишда қўлланадиган тамойиллар ҳамда таҳлил талабларидан келиб чиққан ҳолда, янги молиявий ҳисобот шакли “Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисидаги ҳисобот” (2Б-шакл) тавсия қилинди.

2. 10-жадвал

2Б-шакл

Соф фойданинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот

Кўрсаткичларнинг номи	Қатор коди	Ўтган йили	Ҳисобот йили
Соф фойда	010		
Ишлатилиши:			
Қимматли қоғозлар бўйича дарормад тўлаш	020		
Заҳира сармояни тўлдиришга	030		
Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришга	040		
Ижтимоий соҳани ривожлантиришга	050		
Хайрия мақсадларига	060		
Молиявий қўйилмаларни ўсишига	070		
Корхонанинг ўз акцияларини сотиб олишга	080		
Тўланадиган ижара ҳақи	090		
Суғурта бадаллари	100		
Кадрларни тайёрлаш харажатлари	110		
Қўрилган зарарларни қоплашга	120		
Бошқа харажатлар ва ажратмалар	130		
Жами харажатлар ва ажратмалар йиғиндиси (020 +, 130-сатрлар)	140		
Тақсимланмаган фойда (010 – сатр – 140 сатр),	150		

2-боб бўйича хулосалар

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи мезон - соф фойдадир. Соф фойда миқдорини аниқлаш учун “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби, маҳсулот (иш, хизмат) таннархига қўшиладиган ва молиявий

натижаларни таркиб топиши ҳақидаги” Низомга асосан оралик фойда кўрсаткичларини аниқлаш керак бўлади.

2. Таҳлил қилиш авваламбор, корхона ялпи фойдаси ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлашдан бошланади. Маҳсулотлар сотишдан олинган фойда ўзгаришига қуйидаги омиллар таъсир этиши мумкин:

- корхонанинг ўзига боғлиқ омиллар ёки ички омиллар;
- корхонанинг ўзига боғлиқ бўлмаган омиллар ёки ташқи омиллар.

3. Критик ҳажм даражаси амалий қўлловимизга эндигина кириб келаётган кўрсаткич ҳисобланади. Ушбу кўрсаткични аниқлаш асосида корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш режаси ёки фойда режасини олдиндан чамалаш, белгилашда асосий кўрсаткич сифатида фойдаланишимиз мумкин.

4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинган фойда қаторига корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишдан ташқари фаолиятидан олинган фойдаси киритилади. Улар бўйича харажатлар ва даромадлар қатори алоҳида таркибланган ҳолда умумий суммада молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилади. Операцион даромадлар ва харажатлар ўзининг соф қиймати бўйича ҳам молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга туширилиши белгиланади. Бунда операцион жараёнлардан олинган даромадлар улар бўйича харажатлар қийматига фарқланган ҳолда ҳисоботга фойда ёки зарар қаторига туширилади.

5. Фойдани тақсимлаш замирида бутун жамият манфаатларини меҳнат жамоалари ва ҳар бир ходимнинг манфаатлари билан уйғунлаштириш, уларда ўз фаолиятларини такомиллаштиришдан, фойдани ортиши ва ундан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ижтимоий ривожланиш, ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланишдан манфаатдорликни вужудга келтириш ётади.

III бoб. КОРХОНАЛАРДА МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Инқирозга қарши бошқарувни самарали ташкил этиш орқали молиявий хавфсизликни таъминлаш масалалари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш далзарб масалалардан бири саналади. Ўз навбатида, давлат иштирокидаги корхоналарни (корхона) модернизация қилиш, замонавий молиявий бошқарув тизимларини жорий этиш, хусусан молиявий менежментни жорий этиш ва истиқболда ривожлантириш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган давлат корхоналарда молиявий менежмент тизимини жорий этилиши, корхоналарда қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятларини кенгайтириш, молиявий муносабатларни ривожлантириш, корхонанинг қўшимча молиявий хизмат турларини жорий этиш ва қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирокини таъминлашдаги муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Булардан ташқари, иқтисодийни модернизациялаш шароитида, бошқа тармоқларда бўлгани каби давлат иштирокидаги корхоналарда молиявий бошқарувни ташкил қилиш ва корхоналар молиясини самарали бошқаришда, ҳам янгича замонавий ёндашувларни амалиётга тадбиқ қилиш талаб этилмоқда. Давлат корхоналар молиясини бошқариш, бошқарув фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқаришни молиялаштириш ва маҳсулот реализацияси борасидаги жорий масалаларни шунингдек, рақобат курашида омон қолиш, молиявий аҳволни барқарорлаштириш, харажатларни камайтириш ва даромадларни ошириш, масалаларини ҳал этишни таъминлайди. Бунинг провардида, корхонанинг ривожланиш истиқболлари ва инвестицияларни жалб этиш нуқтаи назаридан нуфузи ортиб боради. Шунингдек, корхона бозор шароитида ўз

даромадларини нафақат асосий фаолият ҳисобига ошириш, балки бошқа корхона ва ташкилотлар ишларида иштирок этиш, қўшимча соҳаларни ўзлаштириш орқали қонун томонидан тақиқланмаган бошқа имкониятлар ҳисобига ҳам умумий молиявий натижаларини ошириш ҳуқуқига ега.

Корхона миқёсида ва ундан ташқарида мавжуд ишлаб чиқариш ва бошқа иқтисодий жараёнларни таҳлил этиш, вазиятнинг ривожланишини олдиндан башоратлаш ва шу асосда ишлаб чиқариш ва молиявий режаларни тузиш имконини беради. Вазиятни моделлаштириш режаларнинг кўп вариантлилигини таъминлайди ва қабул этилаётган хатар даражасини камайтиради. Корхона бўлинмаларининг ўзаро муносабати ва молиячилар томонидан ишлаб чиқариш ҳамда молиявий режа кўрсаткичлари ҳисоб китобларини олиб бориш ва баҳолашларни мувофиқлаштириш, корхона барча тузилмалари фаолияти натижаларининг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайди.

Илгари қабул қилинган бошқарув қарорлари устидан мунтазам ва тезкор назорат корхонанинг самаралари ишлашини таъминлайди. Йирик корхоналарда бу мақсадларда махсус ички назорат (аудит) хизмати ташкил этилиб, у хўжалик ва молиявий жараёнларни кузатади. Таҳлилнинг асосий объектлари сифатида молиявий ҳолат, савдо, даромад ва рентабеллик режаларининг бажарилиши, асосий ва айланма фондларнинг ишлатилиш самарадорлиги, кредит ва солиқ сиёсати ҳисобланади. Корхоналар молиявий хизматларининг таҳлилий иш фаолиятлари захираларни аниқлаш ва сафарбар этиш, харажатларни тежаш ва мавжуд бўлган барча ресурсларни ишлатиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Бунда асосий еътибор маҳсулотни сотиш масалаларини ташкил этишга қаратилган бўлиб, чунки айнан улар молиявий натижани шакллантиради. Эришилган натижаларни бизнес-режа кўрсаткичлари билан солиштириш, таҳлил қилиш, илгари белгиланган кўрсаткичларни тўғрилаш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш имконини беради, ҳамда корхонанинг барқарор молиявий ҳолатини ва бозорда ўз позицияларини сақлаб қолишни таъминлайди.

Ҳар қандай корхонанинг ҳаёт фаолияти, мол етказиб берувчилар, харидорлар, банклар, давлат ва бошқа ташқи тузилмаларнинг ёрдамлари билан қўллаб-қувватланувчи ахборот, моддий ва молиявий оқимларнинг ўзаро ҳаракати натижасида таъминланади. Бусиз корхонанинг хўжалик фаолияти амал қила олмайди. Молиявий таъминотнинг етарли бўлмаслиги бартараф этиб бўлмайдиган қийинчиликларни юзага келтириши мумкин, чунки молиявий оқимлар нафақат ишлаб чиқариш жараёнини, балки корхонанинг бошқа турдаги фаолиятини ҳам таъминлайди. Молиявий менежмент соҳасидаги молиявий қарорлар таҳлили, натижани иқтисодий асослаш ва башоратлаш, қўйилган мақсадга еришиш учун пул маблағларини жалб этиш ва жойлаштиришнинг оптимал вариантыни танлаш асосида қабул қилинади. Молиявий бошқарув қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда мақсадни танлаш энг масъулиятли босқич ҳисобланади. Мақсад келгусидаги ҳаракатлар тактикаси ва ривожланиш стратегиясини шакллантиради, қабул қилинган қарорлар натижаларини ва амалга оширилаётган тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Агар мақсад бошқарув объектининг ҳолати бўлса, у ҳолда қабул қилинаётган молиявий қарорлар уни олишга кетадиган харажатларни минималлаштирган ҳолда натижани максималлаштиришни таъминлаши керак. Молиявий менежмент асосий объектларининг ҳар бири учун корхонада самарадорликнинг ўз кўрсаткичлари бўлади, бироқ уларнинг барчаси асосий мақсадга - корхона фаолияти натижаларини максималлаштириш, унинг бозор қийматини оширишга қаратилган бўлади.

Жорий инвестицион ва молиявий фаолият ўз навбатида, бозорнинг юзага келаётган конъюнктурасига ва амалга оширилаётган молиявий сиёсатига мос келувчи қарорларни талаб қилади. Қабул қилинаётган қарорларнинг қиймати нафақат молиявий менежернинг малакаси ва билимдонлик даражасига боғлиқ, балки унинг ҳаракат тезлиги, хусусий корхонаси ва контрагентлар ҳолатини профессионал баҳолашга, молиявий қарорни қабул қилиш оқибатларини тасаввур этишига ҳам боғлиқ.

Молиявий менежментга илмий ёндошишларни, молиявий муносабатларни ривожлантиришнинг услубий асослари сифатида замонавий молиявий назарияни, миқдорий таҳлил усуллари қўллаш қабул қилинаётган қарорларнинг юқори сифатли бўлиш шартидир.

Молиявий қарорларни ишлаб чиқиш жараёни ахборотлар таъминоти даражаси ва олинган маълумотларни таҳлил қила билиш ва унинг негизида қабул қилиниши мумкин бўлган қарорлар вариантларини танлашдан иборат. Ахборот сифати қабул қилинаётган қарорнинг асосланганлиги ва молиявий менежмент самарадорлигининг ҳал қилувчи омили ҳисобланади. У қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: ишончлилик, ўз вақтида бўлишлик, етарлилик, пухталиқ, ҳуқуқий тўғрилиқ, манзиллилик, кўп марта ишлатиш имкониятининг бўлишлиги, ахборотни тўплаш, ишлаш ва узатишнинг юқори тезлиги, комплекслилик, кодировкалаш имконининг бўлиши. Ахборотни рационал тизимлаш, ҳал етилаётган вазифаларнинг характериға қараб уни тақсимлаш туфайли молиявий бошқарувнинг юқори даражадаги самарадорлиғига еришилади. Қабул қилинаётган қарорларнинг муваффақиятли амалга оширилиш гарови бир неча вариантларнинг мавжудлиги ҳисобланади; вариантлардан бирини танлаш вақт, иқтисодий самарадорлик, бошқа оқибатларни инобатга олган ҳолда амалга оширилади. Муқобил вариантларни солиштиришни таъминлаш лозим бўлиб, уларнинг сони учдан кам бўлмаслиги, базавий вариант сифатида еса вақт бўйича энг сўнггиси иштирок етиши керак, чунки барча кўриб чиқилаётган вариантлар биринчи навбатда вақт бўйича солиштирилади. Қабул қилинаётган молиявий қарорлар ҳуқуқий меъёрларга зид бўлмаслиги ва ҳуқуқий асосланган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи, сотувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро ҳаракатни бошқарувчи янги қонунлар чиқмоқда. Хўжалиқ субъектлари фаолиятиға ҳуқуқий чекланишларнинг киритилиши ўзаро бир-бирини тушунишни таъминлайди ва бу қонунларни бузувчиларға жарима солиш ёки корхона ишини тўлиқ тўхтатиш билан таҳдид солинади. Замонавий шароитда молия менежеридан бизнес бўйича ҳамкор

мамлакатлар қонун актларини билиш ва мунтазам равишда ўрганиб бориш талаб этилади. Шундай қилиб қабул қилинаётган молиявий қарорларнинг ҳуқуқий ҳимояланганлиги амалдаги қонунчиликни ва ҳуқуқий актларни билишни талаб қилади. Молиявий қарорларни қабул қилишдаги зарурий шарт уни амалга оширишнинг реаллиги бўлиши керак. Бунинг учун ҳар бир қарор, пул маблағларининг ва тахмин этилаётган қўйилмалар самарадорлигининг зарурий ҳисоблари билан мустаҳкамланган, ишончли иқтисодий асосга эга бўлиши лозим.

Ҳар қандай корхонанинг иқтисодий ривожланиши ва молиявий мустаҳкамлигини таъминлаш, зарурий молиявий ресурслар билан таъминлангандагина муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳам корхоналар молиясини самарали ташкил этишнинг асосий йўналишларидан бири бу, молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни молиялаштириш манбаларини оптималлаштириш ҳисобланади. Корхоналарда молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш ва бу борадаги хорижий давлатлар амалиётини кенг ўрганиш.

2. Молиявий ресурсларни ташкил этувчи ҳар бир элементни самарали ва аниқ бошқариш.

3. Молиявий ресурсларни самарали бошқариш жараёнига таъсир этувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва уларни олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

4. Корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, бу борадаги билим ва тажрибаларимизни ошириш, чет эл корпоратив бошқариш услубиятларидан кенг фойдаланиш.

5. Молиявий ресурсларни корхона барқарор молиявий манбалари ҳисобидан тўлдириш.

6. Меҳнат ва табиий ресурсларини тенг тақсимланмаганлигини еътиборга олиб, улардан самарали ва тежаб фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш. Маҳсулотларни сотиш ва ўзаро ҳисоб-китоб муддатларини қисқартириш.

7. Молиявий ресурслар айланиш тезлигини оширишга еришиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш.

Молиявий ресурсларни самарали бошқаришни такомиллаштириш корхона молиявий-иқтисодий ҳолатини яхшилашга, корхоналарда молиявий муносабатларни ривожланишига, ўз мажбуриятларини вақтида бажаришга ижобий таъсир этади деб ўйлаймиз.

Корхоналар молиясини самарали бошқаришнинг яна бир асосий еътиборли жиҳати шундаки, корхоналарда ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш харажатларини оптималлаштириш бўлиб ҳисобланади. Корхоналарда харажатларини оптималлаштириш уларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Бундай тадбирларни амалга оширишда корхоналарда харажатларни минималлашга ириш стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Харажатларни минималлаштириш стратегиясини қўллаганда корхоналар маҳсулот нархини камайтириш евазига ушбу турдаги маҳсулот бозорининг катта улушини егаллаши мумкин. Ушбу стратегияни амалга оширувчи фирма яхши ташкил қилинган ишлаб чиқариш тизимига, яхши таъминот тизимига, замонавий технологияга ва муҳандислик-конструкторлик базасига ҳамда маҳсулот тақсимлашнинг яхши тизимига ега бўлиши керак. Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, минимал харажатларга еришиш учун маҳсулот таннархи билан боғлиқ бўлган барча соҳалар чуқур таҳлил қилиниши керак бўлади. Бундан ташқари, маъмурий ва сотиш харажатларини ҳам ўрганиб чиқиши ва уларни камайтириш йўллари қидириши муҳимдир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, корхоналарда молиявий менежментни ташкил этиш бизнинг корхоналаримиз учун янги жабҳа бўлиб ҳисобланади шунинг учун молиявий менежментни ташкил этишнинг жаҳон амалиётини

таҳлил этиш ҳамда уларни Ўзбекистон корхоналарида қўллаш имкониятларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдида қўйган асосий мақсади бу даромад олишдир. Даромад ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Даромад иқтисодий категория ва молиявий якун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Даромадни барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни, қиймат қонунини ва хўжалик юритиш усули сифатида хўжалик ҳисобининг объектив талабидир. Даромад иқтисодий ҳаракатнинг зарурий шарти мақсади сифатида қаралади. Жаҳон амалиётида даромад дейилганда кўпинча бизнес самарадорлигининг тадбир воситаси сифатида қаралади. Даромад бу фойда ва харажатлар фарқланишидаги юқори ўзгарувчанликдир. Улар орасидаги қуйи ўзгарувчанлик эса зарарни ифодалайди. Даромадлар ва харажатлар молиявий натижаларни характерловчи даромадни ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Даромадлар ва харажатларни, яъни даромадни аниқлаш ва ўлчаш - корхона ўз молиявий ҳисоботини тайёрлашда даромадланиладиган капитал концепцияси ҳамда капиталнинг сақланишига боғлиқ бўлади. Даромадлар - бу ҳисобот даврида иқтисодий фойда активларнинг оқими ёки кўпайиши шаклида ўсиши ёки пассивларнинг қатнашчиларни капиталдаги омонатларидан фарқ етувчи ўсишига олиб келувчи камайишидир.

Корхоналарда молиявий фаолият - бу пуллар, қимматли қоғозларни сотиб олиш, сотиш бўйича молиявий-кредит битимларидир. Молиявий битимларда инфляция (пулнинг қадрсизланиши) омилини ҳисобга олиниши керак. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий (молия-кредит) фаолиятининг соҳаси бўлиб айланма, қийматлар алмашинуви ҳисобланади. Молиявий фаолиятнинг ўзига хослиги шундаки, у ишлаб чиқариш фаолиятига ҳам, тижорат фаолиятига ҳам кириб кета олади, шу билан бирга

Ўзи ҳам мустақил банк, суғурта ва бошқа фаолият шаклида бўлиши мумкин. Молиявий фаолиятнинг асосий фаолият майдони тижорат банклари ва фонд биржаларидир. Сўнги ўн йилликларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида тадбиркорликнинг мустақил тури - консалтинг ажралиб чиқиб, алоҳида фаолият тури сифатида намоён бўлмоқда. “Консултант” сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, маслаҳат берувчи маъносини англатади. Бу сўз остида ўз соҳаси бўйича маслаҳат берувчи маълум бир соҳа мутахассиси тушунилади. Хориж амалиётида бошқарув масалалари бўйича тижорат, пулли маслаҳат - консалтинг номини олган.

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар қаторига корхона томонидан олинган капиталнинг роялти ва трансферти, акция облигация ва бошқа молиявий фаолият юзасидан олинган даромадлар киради. Бизнинг фикримизча молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар бевосита корхонанинг бўш пул маблағларини мақсадли бошқаришдан даромад ва сарфларни характерлайди. Фавқулодда фойда моддалари - бу кўзда тутилмаган, тасодикий тусга ега бўлган, ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олиниши кутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Бевосита молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга тўхталиб ўтадиган бўлсак, ушбу даромадларга қўйидагилар киради: олинган роялтилар ва сармоя трансферти; Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган холда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар; мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш); валюта счётлари, шунингдек чет ел валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари;

сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар; молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар. Даромад моддаларидан кўриниб турибдики, молиявий фаолият даромадлари корхонанинг маҳсулот реализацияси билан боғлиқ бўлмаган ҳолда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти якунларига таъсир этади. Бизнинг фикримизча, молиявий фаолиятдан олинган даромадларни спекулятив (чайқовчилик) даромад сифатида қарашимиз мумкин. Спекулятив (чайқовчилик) даромад- асосий фаолиятга нисбатан катта риск ва олдиндан тўғри тахмин қилиш, режалаштириш имкониятининг йўқлиги билан ажралиб туради. Бу даромад тури асосий фаолиятга қўшимча даромад сифатида қаралади. Асосий фаолиятдан даромад билан мос равишда молиявий даромадларни ошириш бориш, корхона ривожланишининг устувор йўналиши ҳисобланади.

Корхонанинг инқирозга қарши молиявий бошқарув орқали молиявий даромадларини ошириш учун қўйидаги чора-тадбирларни олиб бориш керак:

- корхона капитали ва даромадини дисконтлаштириш. Дисконтлаштириш келажакда олинган сумманинг ҳозирги пулли эквивалентини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун келажакда олинган кутилаётган суммада мураккаб фоиз бўйича маълум муддатга жамланган даромадни айириш керак. Дисконтлаштириш инвестицияларнинг келгуси қийматини баҳолашда, қимматбаҳо қоғозларнинг қийматини аниқлашда, банк, суғурта, валюта амалиётида ва бошқа ҳолларда кенг қўлланилади. Даромадни дисконтлаштириш келажакда пул тушумларини (фойда, фоизлар, дивидендлар) баҳолаш учун қўлланилади. Инвестор келгусида режалаштирилган даромад даражасидан келиб чиққан ҳолда лойиҳага максимал миқдорда молиявий ресурсларни жалб қилиш имкониятини тўғри баҳолаш керак акс ҳолда кутилган мақсадларга еришиш имконияти бўлмайди.

- молиявий рискни кўчириш усулларида фойдаланиш. Рискни кўчириш- юқори рискли лойиҳаларни ўз зиммасидан рискни тўлиқлигича ёки

қисман бошқа бошқа субъект, активга ўтказишдир. Рискни кўчиришнинг 3 асосий усули мавжуд- хеджирлаш, суғурта ва диверсификация.

Хеджирлаш - нархларнинг салбий ўзгаришларни олдини олиш мақсадида олдиндан тузиладиган биржадаги битимлар ҳисобланади. Яъни корхона олдиндан битим тузган ҳолда нархни белгилаб келгусида шу нарх бўйича савдо қилади. Нархлар кескин тушиб кетганда ҳам корхона битимда катъий белгиланган нарх асосида савдони амалга оширади. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, хеджирлаш келгусида олинishi мумкин бўлган даромаддан воз кечтириш имкониятига ҳам эга. Чунки нарх доимий равишда тебраниб туради.

Суғурта - бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган рискларни келишилган ҳақ эвазига қабул қилиб компенсациялашдан иборат молиявий фаолият тури ҳисобланади. Молия бозорида бундай фаолиятни ихтисослашган юридик шахс мақомига эга бўлган турли мулкчилик шаклида тузилган суғурта ташкилотлари (компаниялари) амалга оширади (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

**Агросуғурта акциядорлик суғурта компанияси бўйича суғурта
мукофотлари миқдори, минг сўмда¹²**

Т/р	Бўлинмалар	Жами		
		2012	2013	2014
1	Қорақалпоғистон.	2 376 443,3	3 372 676,7	3 572 459,9
2	Андижон	3 883 856,0	4 713 777,1	5 467 486,3
3	Бухоро	3 738 449,8	5 188 199,8	6 124 928,3
4	Жиззах	1 202 002,2	1 371 136,2	1 560 138,9
5	Кашкадарё	3 775 643,2	4 524 769,0	4 836 801,3
6	Навоий	2 277 665,2	2 641 884,2	2 589 838,0
7	Наманган	4 072 692,6	5 339 659,7	6 125 591,3
8	Самарканд	3 982 470,7	4 636 349,0	5 311 076,0
9	Сурхондаре	2 653 680,9	3 244 221,9	3 218 426,6
10	Сирдаре	1 105 649,7	1 555 873,0	2 256 367,9
11	Тошкент	4 896 698,7	6 527 599,2	6 902 158,7
12	Фарғона	5 354 159,2	5 653 632,1	6 720 838,1
13	Хоразм	2 800 701,5	3 997 214,3	4 946 254,6
14	Тошкент ш.	1 099 586,5	5 183 730,7	8 569 369,6

¹² Агросуғурта акциядорлик суғурта компанияси маълумотлари асосида тузилди.

15	Бошқарув	2 983 199,0	3 753 472,6	13 082 467,3
	ЖАМИ	46 202 898,5	61 704 195,5	81 284 202,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики суғурта мукофотлари тушуми йилдан-йилга ўсиш тенденциясига эга. Ўз навбатида суғурта товонлари ҳам ўсиш тенденциясига эга (3.2-жадвал).

3.2-жадвал

Агросуғурта акциядорлик суғурта компанияси бўйича суғурта товонлари миқдори, минг сўмда¹³

Т/р	Булинмалар	Жами		
		2012	2013	2014
1	Қорақалпоғистон.	194 948,8	1 382 624,8	523 991,6
2	Андижон	422 219,5	381 324,6	814 487,9
3	Бухоро	259 228,0	461 222,6	408 647,6
4	Жиззах	150 273,9	417 044,1	813 013,9
5	Кашкадаре	699 943,1	372 916,2	899 974,0
6	Навоий	326 877,1	517 114,8	321 843,9
7	Наманган	729 109,0	932 384,2	1 805 826,1
8	Самарканд	346 705,9	441 980,9	531 490,2
9	Сурхондаре	183 554,5	210 475,3	299 409,0
10	Сирдаре	377 107,6	205 917,7	1 120 275,8
11	Тошкент	1 018 064,1	1 106 686,8	1 747 197,6
12	Фарғона	624 646,4	594 123,3	747 126,5
13	Хоразм	341 979,2	181 790,0	597 760,1
14	Тошкент ш.	22 767,4	621 238,4	2 067 721,6
15	Бошқарув	1 966 766,5	734 413,9	2 535 792,9
	ЖАМИ	7 664 191,0	8 561 257,6	15 234 558,7

Келтирилаётган маълумотлар бевосита рискларни суғурталаш орқали тадбиркорлик субъектлари молиявий хавфсизлиги таъминланаётганлиги билан изоҳланади.

Диверсификациянинг моҳияти шундан иборатки, инвестицион портфелнинг умумий рискин камайтириш мақсадида, бир нечта рискли ативларни харид қилишдан иборат. Яъни иқтисодий фаолият қўламини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларига кириб бориш. Инвестор кўйилмани уч усул орқали диверсификация қилиши мумкин - бир нечта корхонага инвестиция қилиш, бир нечта маҳсулот турини ишлаб чиқарувчи корхонага инвестиция қилиш ва инвестиция киритиладиган соҳага мўлжалланган фондга инвестиция қилиш. Устун томони шундан иборатки,

¹³ Агросуғурта акциядорлик суғурта компанияси маълумотлари асосида тузилди.

бирор-бир инвестицион портфел камомад билан чикса уни бошқа портфеллар евазига қоплашдир.

Шунингдек валюта захираларини диверсификация қилиш амалиётда кўп учрайди. Валюта курслари доимо тебраниб турадиган шароитда валюта захиралари диверсификацияси қилиш мақсадга мувофиқдир. Валюта курсини диверсификация қилиш деганда, захиралар таркибидаги нобарқарор валютани сотиш ва уларнинг ўрнига барқарор валюталарни сотиб олиш тушунилади.

Инновацион технологияларни жорий қилиш. Инновация деганда, янги технологиялар, маҳсулот ва хизмат турлари, ишлаб чиқариш, молия, тижоратга оид, маъмурий ёки бошқача хусусиятга ега бўлган ташкилий-техникавий ва ижтимоий-иқтисодий ечимлар кўринишидаги янгиликлардан даромад олиб фойдаланиш тушунилади. Яратилган исталган янгилик корхона фаолиятига кескин таъсир қилиб ўз рақобатчиларидан бир қадам олдин юриш имконини беради ва бозорда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олган ҳолда юқори натижаларга эришади. Барчага маълумки, бир сифат ҳолатидан бошқасига ўтиш ресурслар (энергия, вақт, молия ва бошқаларни) сарфлашни талаб этади. Товарлар олди-сотдисидан иборат иқтисодий муносабатлар тизими бўлган ҳамда талаб, таклиф ва баҳони шакллантирадиган бозор шароитида инновацион фаолиятнинг асосий таркибий қисмларини янги маҳсулотлар, инвестициялар ва янгиликлар ташкил қилади. Янги маҳсулотлар - ушбу маҳсулотлар бозорини, инвестициялар- капитал (инвестициялар) бозорини, янгиликлар (инновациялар) - янгиликларнинг соф рақобати бозорини шакллантиради. Инновацион технологиялар (маҳсулотлар)ни корхона молиявий фаолиятига тадбиқ қилиш ҳозирги молиявий-иқтисодий инқироз шароитида муҳим ҳисобланади ва корхона ҳаражатларини самарали бошқаришга олиб келади. Шунингдек, махсус инновацион маҳсулотлар ёрдамида дунёда юз бераётган янгиликлардан (сиёсий, иқтисодий), қимматли қоғозлар бозорларидаги котировкаларнинг ўзгариши, валюта бозоридаги валюта курсларини тебранишидан ўз вақтида

боҳабар бўлиб бориш орқали оператив қарорлар қабул қилиш имконини яратади.

Шунингдек корхоналар молиявий менежментида рискларни бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий рискларни бошқариш корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлаш ҳамда молиявий барқарорликка еришишга қаратилган асосий тадбирлардан бири ҳисобланади. шундан келиб чиққан ҳолда қуйида корхоналар фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган молиявий рисклар ва уларни бошқариш йўллари ҳақида тўхталиб ўтамыз.

Корхоналарда молиявий рисклар белгиланган мақсадларга еришишнинг ноаниқлиги шароитида қабул қилинган қарорлар натижасида юзага келиши мумкин бўлган молиявий йўқотишлар еҳтимолини ўзида акс эттиради. Бугунги кунда кредит rischi, фоиз rischi, валюта rischi, инфляция rischi, депозит rischi, солиқ rischi каби молиявий рисклар мавжуд. Ушбу рисклар корхоналар молиявий ҳолатига жиддий таъсир етиши мумкин. Ушбу рисклар корхоналар молиявий ҳолатига жиддий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун корхоналарда молиявий рискларни бошқариш ва бу орқали рисклар даражасини пасайтириш муҳим аҳамият касб этади. Молиявий рискларни самарали бошқариш натижасида корхона эгалари кўзлаган мақсадига эришиш эҳтимоли максималлашади.

Корхоналарда молиявий рискларни бошқариш – бу турли кўринишдаги рискларга ҳар томонлама баҳо бериш ва уларнинг молиявий натижага таъсирчанлигини пасайтиришга қаратилган метод ва принципларни ишлаб чиқиш ҳамда молиявий қарорларни қабул қилиш жараёнида ўзини намоён этади.

Корхоналарда молиявий рискларни бошқариш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- молиявий рисклар ахборот базасини шакллантириш;
- молиявий рискларни аниқлаш;
- молиявий рисклар даражасига баҳо бериш;

- молиявий рисклар бошланғич даражасини пасайтириш имкониятларини баҳолаш;
- риск бўйича қарорларни қабул қилиш мезонлар тизимини ўрнатиш;
- риск бўйича қарорларни қабул қилиш;
- молиявий рискларнинг салбий натижаларни юзага чиқариши мумкин бўлган таъсирини пасайтирувчи методларни танлаш ва уларни амалга ошириш;
- молиявий рисклар мониторинги ва уларни назорат қилиш.

Молиявий рискларни бошқаришда риск даражасини пасайтиришнинг куйидаги асосий усулларида фойдаланилади: диверсификация, ахборотлардан фойдаланиш, лимитлаштириш, ўз-ўзини суғурталаш ва суғурталаш. Диверсификация - бу корхона фаолиятида ҳар хил шуғулланишлар, яъни корхона бир вақтда молиявий ресурсларни ҳар хил фаолиятга ёки ҳар хил ҳудудларга йўналтириш тушунилади. Корхона турли соҳаларга ёки турли ҳудудларга молиявий ресурсларни йўналтирганда бир вақтда ҳамма соҳалардан ёки ҳамма ҳудудлардан зарар кўриш еҳтимоли жуда пасаяди. Бу жараёнда бир соҳа ёки ҳудуддан кўрилган зарарни бошқа соҳа ёки ҳудуддан олган фойда ҳисобига қоплаш имконияти мавжуд.

Ахборотлардан фойдаланиш – бу молиявий ресурслар хавфсизлигини таъминловчи самарали усулларида биридир. Молиявий менежер молиявий ресурслардан фойдаланиш жараёнида қанча кўп ахборотга ега бўлса, молиявий ресурслар хавфсизлигини таъминлаш имконияти шунча юқори бўлади.

Лимитлаштириш – бу харажатларга, маҳсулот солтиб олиш ҳажмига, дебиторлик ва кредиторлик қарзларига меъёр белгилаш усулидир. Лимитлаштириш риск даражасини туширишнинг энг самарали усулларида бириҳисобланади. Ушбу усул ёрдамида корхоналар молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятига ега бўлади. Чунки меъёрдан ортиқ қилинган харажатлар ўз самарасини бермайди.

Ўз-ўзини суғурталаш усули корхоналар фаолиятида юқори рискли соҳа ёки худудда молиявий ресурсларни йўналтирганда, юзага чиқиши мумкин бўлган молиявий йўқотишларни қоплаш мақсадида суғурта (резерв) фондларини шакллантиришда қўлланилади.

Риск даражасини пасайтиришнинг энг муҳим ва кенг тарқалган усули – суғурталаш усулидир. Одатда рисклар суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган рискларга бўлинади. Суғурталанадиган рисклар суғурта компаниялари томонидан белгиланади. Суғурталанмайдиган рискларга суғурта бозорида суғурталаш мавжуд бўлмаган рисклар киради. Рискларни суғурталаш орқали молиявий йўқотишлар хавфсизлиги таъминланади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолада хулоса сифатида таъкидлашимиз мумкинки, корхоналарда рискларни самарали бошқариш фаолият жараёнида молиявий хавфсизликни таъминлайди ва молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Бу ўз навбатида микро даражада корхоналар молиявий барқарорлигини оширишга ҳамда макро даражада мамлакат иқтисодий тараққиётга еришишига хизмат қилади деб ўйлаймиз.

Корхона фаолияти ривожланиши билан бошқарув объекти ҳам кенгайиб, бошқарув муаммолари кўпаяди ва инқироз хатарини оширади. Натижада бошқарув қарорларининг самарадорлиги пасайиб, корхона фаолияти оғирлашади. Бундай вазиятда агар корхона бошқарув ва маъмурий харажатларни бошқарув субъектини кўпайтириш ҳисобига оширса, барқарорликни сақлаб қолади. Акс ҳолда, инқироз хатари жиддийлашади, бошқарув харажатларининг ўринсиз тежашга ҳаракат қилиш еса корхонани инқироз томон етаклайди.

Умуман корхоналарда инқирозли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида рискларнинг бошқаришнинг ички механизмларидан кенг ва самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунда молиявий рискларни нейтраллаштиришнинг ички механизмлари сифатида рисклардан қочиш, молиявий операциялар бўйича чегаралар белгилаш, хеджирлаш,

диверсификациялаш, рискларни тақсимлаш ва бошқа методларни келтириш мумкин.

Рисклардан қочиш амалиётида корхона томонидан қуйидагиларга еътибор қаратилади:

- рисклилиқ даражаси юқори бўлган молиявий операциялардан воз кечиш;
- шартнома мажбуриятларини тизимли равишда бузиб келаётган ҳамкорлардан воз кечиш;
- юқори миқдордаги қарз капиталидан фойдаланишдан воз кечиш;
- паст ликвидли айланма активлардан юқори даражада фойдаланишдан воз кечиш;
- вақтинча бўш пул маблағларидан қисқа муддатли молиявий инвестицияларда фойдаланишдан воз кечиш.

Операциялар бўйича чегаралар белгилаш амалиётида еса қуйидагиларга еътибор қаратилади:

- қарз маблағларидан фойдаланиш бўйича чегара белгилаш (ўз маблағларига нисбатан);
- юқори ликвидли активлар минимал чегарасини белгилаш;
- истеъмол ва тижорат кредитларининг битта харидор бўйича максимал миқдорини белгилаш;
- битта банкка жойлаштириш мумкин бўлган максимал депозит миқдорини белгилиш;
- емитентларга нисбатан қимматли қоғозлар бўйича максимал молиявий қўйилмалар миқдорини белгилаш;
- дебиторлик қарзи бўйича максимал муддатни белгилаш.

Хеджирлаш орқали молиявий рискларнинг олдини олиш қуйидагилардан фойдаланиш орқали амалга оширилади:

- фьючерс шартномаларидан фойдаланиш орқали хеджирлаш;
- опсионлардан фойдаланиш орқали хеджирлаш;
- своп операцияларидан фойдаланиш орқали хеджирлаш.

Диверсификациялаш амалиёти бевосита рискларни тақсимлаш имкониятини юзага келтиради ва бу жараён қуйидагилар орқали амалга оширилиши мумкин:

- молиявий фаолият турларини диверсификациялаш;
- валюта портфелини диверсификациялаш;
- депозит портфелини диверсификациялаш;
- кредит портфелини диверсификациялаш;
- қимматли қоғозлар портфелини диверсификациялаш;
- реал инвестициялаш дастурларини диверсификациялаш.

Рискларни тақсимлаш молиявий операция иштирокчилари ўртасида амалга оширилади ва бу амалиёт қуйидаги жараёнларда ташкил этилиши мумкин:

- рискларни инвестицион лойиҳа иштирокчилари ўртасида тақсимлаш;
- хом ашё ва материаллар бўйича рискларни мол йетказиб берувчилар ва харидор ўртасида тақсимлаш;
- лизинг муносабатларида асосий восита маънавий ескиришини лизинг олувчи ва лизинг берувчи ўртасида тақсимлаш.

Шунингдек молиявий рискларни нейтраллаштиришнинг ички механизмларидан ҳисобланувчи бошқа методлар сифатида қуйидагиларни ҳам келтириш мумкин:

- молиявий жарималар ёки чегирмалар қўллаш;
- кафолатлар олиш;
- форс-мажор ҳолатлари рўйхатини қисқартириш.

Юқорида келтириб ўтилган жиҳатлар бевосита молиявий рискларни самарали бошқариш натижасида инқирозли ҳолатлар бартараф этилиши оқибатида молиявий хавфсизликнинг таъминланишига замин яратилади.

3.2. Корхоналарда молиявий хавфсизлик стратегиясини шакллантиришнинг устувор йўналишлари

Корпоратив молиявий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

- аввало молиявий хавфсизликнинг моҳияти, кўринишлари, ўзаро боғлиқлиги очиқ берилadi ҳамда молиявий хавфсизликни таъминлашнинг макроиқтисодий хавфсизликни таъминлашдаги аҳамияти асослаб берилadi;
- корпоратив молиявий хавфсизликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда аҳамиятига тўхталиб ўтилади;
- мамлакатимиздаги корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга тўхталиш;
- корпоратив молиявий хавфсизликка таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланади;
- корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлашнинг ички ва ташқи омиллари белгилаб берилadi;
- шахс иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлаш билан бевосита боғлиқлиги очиқ берилadi;
- корпоратив молиявий хавфсизликнинг мезон ва кўрсаткичлари белгиланади.

Корхоналарнинг кескин рақобат шароитида бозордаги эгаллаб турган ўринларини сақлаб қолишда корпоратив бошқарувни самарали ташкил этиш орқали молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи ҳал қилинади, иқтисодий ривожланишнинг инқироз фазасида инқироз ҳолатининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Умуман олганда, бозор иқтисодиётининг асосий қонуниятларидан бири бўлган кескин рақобат шароитида ҳамда иқтисодий ривожланишнинг инқироз фазасида корхоналар молиявий

хавфсизлигини таъминлаш орқали хўжалик субъектлари ривожланишини таъминлаш мамлакат иқтисодий тараққиётини таъминлаш чора-тадбирлари билан ҳамоҳангдир.

Макроиқтисодий ва микроиқтисодий даражада кечаётган, республиканинг миллий иқтисодиётида бўлаётган ўзгаришларни, халқаро иқтисодий муносабатларда амалга ошаётган жараёнларни кузатмасдан, уларни ўрганмасдан туриб мамлакатнинг молиявий хавфсизлигини, унинг бир бўлаги бўлган корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлаш борасида фикр юритиш қийиндир. Шунинг учун ҳам корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда бошқарув ходимларидан чуқур билим ва малака талаб этилади.

Компания молиявий ресурсларини, пул оқимларини бошқариш юқори даражада аҳамиятга эга ҳисобланган замонавий бошқарув тизимида ҳал қилувчи элементлардан бири саналади. Буни таъминлаш учун тадбиркорлар ва турли даражадаги менежерлар молиявий хавфсизлик назарияси, унинг таркибий тузилиши, молиявий хавфсизлик объектлари, асосий хавфлар ва тўсиқлар, молиявий хавфсизлик даражасини баҳолашнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, омилли таҳлил методлари, шунингдек хавфсизликни таъминлашнинг муҳим йўналишларини, назарий ечимларни амалиётда қўллаш йўллари билиши лозим. Молиявий хавфсизлик тушунчаси иқтисодий тизим (хўжалик субъекти) такрор ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йўналтирилган ривожланиш йўлида молиявий-иқтисодий барқарорликни, ликвидлиликни ва тўловга қобилиятлиликни сақлашни англатади.

Молиявий хавфсизликни сақлаш (таъминлаш)нинг бош принципи бўлиб иқтисодий тизим даромадлари ва харажатларини назорат қилиш ва баланслаштириш ҳисобланади. Молиявий хавфсизликни сақлашга қуйидаги омиллар сезиларли даражада таъсир кўрсатади:

1. Ички:

- ҳисоб ва молиявий-иқтисодий персоналлар малака даражаси;

- корхона раҳбариятининг малака даражаси ва кўникмаси;
- корхона шартномалари ва алоқаларининг юридик таъминоти ва экспертизаси;
- ички назорат тизими самарадорлиги;
- касса, солиқ ва тўлов интизоми;
- корхона савдо ва маркетинг стратегияси.

2. Ташқи:

- хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий база;
- дебиторлар тўловга лаёқатлилиги;
- давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолияти (қарама-қарши хатти-ҳаракатлари);
- қарзларни талаб қилиш бўйича кредиторлар активлиги;
- молия-банк тизими билан самарали ҳамкорлик муносабатлари (мумкин даражада минимал баҳолар бўйича кредит маблағлари жалб қилиш мумкинлиги ва қобиляти);
- ҳамкорлар ва контрагентлар ишончилиги.

Иқтисодийда барқарорликка эришиш ва уни сақлашнинг муҳим шarti сифатида давлат ва иқтисодий субъектлар миқёсида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, иқтисодий, молиявий, солиқ, пул-кредит ва ташқи иқтисодий сиёсат ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлаш юзага чиқади.

Юқорида келтирилган масалаларни ҳал қилиш учун профессионал, давлат ва иқтисодий субъект миқёсида молия, кредит ва бошқа иқтисодий фаолиятларни бошқаришга қобилятли мутахассисларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий хавфсизликка ташқи таъсир параллел равишда кўзга ташланади. Корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир этувчи субъектив шарт-шароитлар давлатга ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бунда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ликвидлиликнинг пасайиши туфайли солиқларни тўламаслик;

солиқларни тўлашдан қочиш;
солиқ базасини яшириш орқали солиқларни тўламаслик;
касса ва тўлов интизомини бузиш;
контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қониқарсиз ҳолати ва бошқалар.

Мазкур омиллар айнан корхона молиявий ходимлари иш фаолияти билан боғлиқ омиллар сифатида қаралади ва молиявий хавфсизликка жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги вақтда корхоналарни бошқаришда молиявий ходимларнинг роли сифат жиҳатдан юқори даражада бўлиши талаб этилмоқда. Молиячиларсиз корхоналар келажагига доир қарорлар қабул қилиш мумкин эмас. Молиявий ходимларнинг бош вазифаси стратегик масалаларни ҳал қилишда раҳбариятга кўмаклашишдир. Молиявий ходим деганда маблағларни жалб қилиш, улардан фойдаланишни назорат қилиш, умуман молиявий бошқарув, ҳисоб юритиш ва сақлашга жавобгар корхона, ташкилот, муассаса, давлат ҳокимият органининг мансабдор шахслари ёки штатдан ташқари маслаҳатчилар тушунилади. Уларга молиявий директор (менежер)лар, бош ҳисобчилар, кассирлар, аудиторлар, ревизорлар ва инспекторлар киради. Сўнгги вақтларда мазкур ходимларнинг даражасига ва профессионал тайёргарлик сифатига талаблар ҳам иш берувчилар сифатида корхона ва ташкилотлар томонидан, ҳам ижтимоий-иқтисодий муносабатларни назорат қилиб тартибга солиб боровчи сифатида давлат томонидан ўсиб бормоқда. Бундай меъёрлар давлат томонидан қонунчилик ҳужжатлари ёрдамида тартибга солиб борилади.

Қонунчилик базаси ижро этувчи органлар раҳбар лавозимларига ёки кредит ташкилотлари бош ҳисобчи лавозимига олий даражадаги иқтисодий ёки юридик маълумотга эга бўлган номзодларни талаб қилади. Шунингдек, улар банк операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ кредит ташкилотлари бўлинмаларида раҳбарлик тажрибасига эга бўлиш лозим.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти билан шунингдек, солиқ маслаҳати фаолияти билан шуғулланиш учун уч йиллик иш тажрибаси талаб қилиниши ҳам бевосита корхоналар молиявий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган. Яна шуни ҳам қайд этиш керакки, амалдаги қонунчилик корхона бухгалтерларига иқтисодий субъект молиявий-хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиддий талаблар қўйилган ва қатор ваколатлар берилган. Амалдаги қонунчиликка кўра бош ҳисобчилар ҳисоб сиёсатини шакллантиришга, бухгалтерия ҳисобини юритишга, бухгалтерия ҳисоботларини тўлиқ ва ишончли тарзда ўз вақтида тақдим этишга жавоб беради.

Бош ҳисобчи ташкилот раҳбарига бўйсунди, улар томонидан лавозимга тайинланади ва ишдан озод қилинади. Яна маълумки, бош ҳисобчи имзосисиз пулли ва ҳисоб-китоб ҳужжатлари ҳақиқий ҳисобланмайди ҳамда ижро учун қабул қилинмайди. Бош ҳисобчининг ўз мажбуриятларини турли сабаблар бўйича бажармаслиги бутун молиявий-хўжалик фаолияти тўхташи билан бирга корхонага нисбатан молиявий санкциялар қўлланишига ҳам сабаб бўлади.

Шубҳасиз, корхона молиявий хавфсизлигини таъминлаш амалдаги қонунлар асосида, ҳуқуқий асосга таянган бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда хавфсизликни таъминлаш бўйича қонунчилик базаси етарлича ишлаб чиқилмаган, молиявий-хўжалик фаолияти натижавийлигига таъсир кўрсатувчи кўплаб меъёрий ҳужжатлар, масалан солиқ қонунчилини жуда тез ўзгаради ва корхона молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Корхоналар ўз мажбуриятларини бажаришлари, жалб қилинган ресурслар оптимал балансини сақлаш ва қўшимча қиймат яратиш манфаатдор томонлар кутган натижаларига эришишга бевосита боғлиқ. Корхона томонидан белгиланган қобилиятлилик (тўловга қобилиятлилик)ни таъминлашда турли соҳалардаги фаолиятларни самарали мувофиқлаштириш, бошқарувнинг энг илғор технологияларини жалб қилиш талаб этилади.

Молиявий ресурсларнинг манбалари ва фойдаланиш йўналишлари нуқтаи назаридан уларни баланслаштиришга қўйилган талаблар ҳам бевосита молиявий хавфсизликка хизмат қилади.

Бозор иқтисодиётининг асосий муаммоларидан бири корхоналарнинг тўловга лаёқатсизлиги юзага келишидир. Умумий ҳолатда тўловга лаёқатлилиқ корхонанинг ўз тўлов мажбуриятларини ўз вақтида ва зарур миқдорда қаноатлантиришни ўзида акс эттиради. Мазкур шартларни бажаришга лаёқатсиз корхоналар тўловга лаёқатсиз ҳисобланади.

Молиявий хавфсизликнинг асосий вазифаси корхона миқёсида молиявий тушумлар ва молиявий тўловлар ўртасида доимий молиявий мувозанатни бир маромда сақлаш, бошқача айтганда ликвидлилиқни бир маромда сақлаш ҳисобланади. Тушумлар ва тўловлар ўртасида вақт жиҳатдан кечикиш ҳисобига корхона томонидан бартараф этиш лозим бўлган молиявий туйнук пайдо бўлади. Бундай молиявий туйнук доимий равишда мос жалб қилинган капитал ҳисобига қопланиши лозим, акс ҳолда корхона банкротга учрайди. Капитал олдиндан жалб этилиши лозим бўлиб молиявий туйнук пайдо бўлишига йўл қўйилмайди. Бизнес хавфсизлигини таъминлаш масаласини муваффақиятли ҳал қилиш учун корхона молиявий хавфсизлиги моҳияти, унинг асосий хавфлари ва тўсиқлари, тадбиркорлик фаолият воситалари хусусиятлари ҳақида аниқ таассуротга эга бўлиши лозим.

Хавфсизлик умумий назарияси асосида иқтисодий мустақиллик йўқотилишига сабаб бўлувчи ҳолатларни бартараф этишни таъминловчи чора-тадбирлар қабул қилишга қаратилган хўжалиқ субъекти фаолият алгоритминини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунини қайд этиш керакки, бизнес молиявий хавфсизлигини таъминлаш учун зарур инвестицион маблағлар ва имкониялар ҳисоблаб чиқилиши керак.

Хавфсизликни таъминлаш масалаларининг мураккаблиги қонунга ҳилоф ҳолатларни ва салбий омилларни минималлаштириш мақсадида менежерларнинг мустақил қарорлар қабул қилиши ва корхона нормал фаолиятини таъминлаш зарурлиги билан изоҳланади.

Корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегияси умумий стратегик тизимдаги қатор стратегиялар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади (3.1-расм).

Корпоратив молиявий хавфсизлик стратегияси одатда корхоналарнинг инқирозга учрашининг олдини олишга қаратилади. Бу борада корхоналарда молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегияси доирасида инқирозга қарши молиявий бошқарувни самарали ташкил этиш мақсадга мувофиқ.



3.1-расм. Корпоратив хавфсизлик стратегиясининг молиявий стратегия асосий йўналишлари билан боғлиқлиги¹⁴

Корхоналар инқирозга қарши молиявий бошқаруви корхоналар молиявий инқирозларининг олдини олдини олишга ва огоҳлантиришга, шунингдек уларнинг салбий молиявий оқибатларини минималлаштиришга йўналтирилган махсус бошқарув қарорлари комплексини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг принциплари ва методлари тизимини ўзида ўзида акс эттиради.

¹⁴ Тошмуродова Б. ва бошқ. Корпоратив молия стратегияси. – Т. "Иқтисод-молия", 2013. – 128 б.

Инқирозга қарши молиявий бошқарувни кескин рақобат шароитида ҳар бир корхона даражасида ташкил этиш мамлакат миқёсида иқтисодий барқарорликнинг кучайишига ўзига хос замин яратади.

Инқирозга қарши молиявий бошқарув жараёнининг асосий босқичлари қуйидаги расмда акс эттирилган (3.2-расм).



3.2-расм. Инқирозга қарши молиявий бошқарув жараёнининг асосий босқичлари¹⁵

Корпоратив молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегиясининг солиқ стратегияси билан боғлиқлигини солиқ рисклари билан боғлаш мумкин. Бунга корхона мансабдор шахслари томонидан атайин солиқ

¹⁵ Тошмуродова Б. ва бошқ. Корпоратив молия стратегияси. – Т. “Иқтисод-молия”, 2013. – 128 б.

хукукбузарликларини содир этиш ҳолатлари корхонанинг ўз фаолиятини тўхташига сабаб бўлишини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

Мулкни бошқариш стратегияси эса узоқ муддатли активларни ўз вақтида шаклантириш мақсадида жамғариб борилган маблағлардан мақсадли фойдаланишни йўлга қўйишни англатади ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тегишли асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланишига хизмат қилади.

3-боб бўйича хулосалар

Корхоналарда молиявий ресурсларни бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат: молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бошқаришнинг назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш ва бу борадаги хорижий давлатлар амалиётини кенг ўрганиш; молиявий ресурсларни ташкил этувчи ҳар бир элементни самарали ва аниқ бошқариш; молиявий ресурсларни самарали бошқариш жараёнига таъсир етувчи омилларни олдиндан аниқлаш ва уларни олдини олиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш; корхоналарда корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, бу борадаги билим ва тажрибаларимизни ошириш, чет эл корпоратив бошқариш услубиятларидан кенг фойдаланиш; молиявий ресурсларни корхона барқарор молиявий манбалари ҳисобидан тўлдириш; меҳнат ва табиий ресурсларини тенг тақсимланмаганлигини еътиборга олиб, улардан самарали ва тежаб фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш; маҳсулотларни сотиш ва ўзаро ҳисоб-китоб муддатларини қисқартириш; молиявий ресурслар айланиш тезлигини оширишга еришиш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш.

Хеджирлаш - нархларнинг салбий ўзгаришларни олдини олиш мақсадида олдиндан тузиладиган биржадаги битимлар ҳисобланади. Яъни корхона олдиндан битим тузган ҳолда нархни белгилаб келгусида шу нарх бўйича савдо қилади. Нархлар кескин тушиб кетганда ҳам корхона битимда

катъий белгиланган нарх асосида савдони амалга оширади. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, хеджирлаш келгусида олиниши мумкин бўлган даромаддан воз кечтириш имкониятига ҳам эга.

Суғурта - бу молиянинг алоҳида шакли бўлиб, ҳаётда ва бозор иқтисодиётида маълум бўлган рискларни келишилган ҳақ эвазига қабул қилиб компенсациялашдан иборат молиявий фаолият тури ҳисобланади.

Риск даражасини пасайтиришнинг энг муҳим ва кенг тарқалган усули – суғурталаш усулидир. Одатда рисклар суғурталанадиган ва суғурталанмайдиган рискларга бўлинади. Суғурталанадиган рисклар суғурта компаниялари томонидан белгиланади. Суғурталанмайдиган рискларга суғурта бозорида суғурталаш мавжуд бўлмаган рисклар киради. Рискларни суғурталаш орқали молиявий йўқотишлар хавфсизлиги таъминланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Корхоналарда молиявий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиниш ва амалга ошириш юзасидан магистрлик диссертация ишида қуйидаги хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Молиявий-хўжалик фаолиятидан асосий мақсад фойдани максималлаштириш эканлигидан келиб чиққан ҳолда фаолиятнинг ҳар бир босқичида ижобий натижага ва юқори рентабелликка интилиш мақсадга мувофиқ. Бунда жамиятнинг, жамоанинг ва ҳар бир ходимнинг фойда олишга бўлган манфаатдорлиги объектив зарурият эканлиги назарий жиҳатдан исботланди.

2. Корхонанинг молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими унинг молиявий-хўжалик фаолиятини ифодалашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боисдан, ишда корхонанинг молиявий натижаларини доимий равишда баҳолаб бориш молиявий барқарорликка ва ўз навбатида молиявий хавфсизликка хизмат қилиши аниқланди.

3. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини белгиловчи энг муҳим мезон – фойда кўрсаткичидир. Фойда турлари — ялпи фойда, асосий ва умумхўжалик фаолиятлари фойдаси, солиқ тўлангунга қадар фойда, соф фойданинг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилишнинг услубий жиҳатларини такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар берилди. Хусусан, маҳсулотларни сотишдан тушган ялпи фойданинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни ҳисоб-китоб қилиш усуллари тавсия этилди.

4. Молиявий хавфсизликни таъминлашда рискларни бошқариш стратегияси алоҳида аҳамият касб этишидан келиб чиққан ҳолда молиявий рискларни нейтраллаштиришнинг ҳам ички, ҳам ташқи механизмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги белгиланди. Бунда ташқи механизм сифатида суғуртадан кенг фойдаланиш лозим бўлса, ички механизм сифатида хеджирлаш, диверсификациялаш, операциялар бўйича чегаралар белгилаш ва бошқаларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

5. Молиявий хавфсизликни таъминлаш стратегиясида ички ва ташқи омилларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳар иккала омиллар манбалари ҳам жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин.

6. Корхоналарда молиявий хавфсизлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда инқирозга қарши бошқарув принципларидан, босқичларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2008. – 40 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. Т.: «Адолат», 2014.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил 29 август. №ЎРҚ474-І
4. Ўзбекистон Республикаси «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонуни. 2006 йил 21 сентябрь. №ЎРҚ-55.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 18 ноябрь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қуватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги 4058-сон Фармони. 2008 йил 28 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 2 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1024-сон Қарори. 2008 йил 29 декабрь.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1245-сонли Қарори. 2009 йил 22 декабрь.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва

- давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 1449-сонли Қарори. 2010 йил 24 декабрь.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1675-сонли Қарори. 2011 йил 30 декабрь.
 12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1887-сонли Қарори. 2012 йил 25 декабрь.
 13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 2270-сонли Қарори. 2014 йил 4 декабрь.
 14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2015 йил 15 май.
 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” фармони. 2015 йил 24 апрель.
 16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2015 йил 28 апрель.
 17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига еришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори. 2010 йил 26 ноябрь.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. 2009 йил 28 июль.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банклари молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2015 йил 6 май.
20. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2005. — 90 б.
21. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. — Т.: «Ўзбекистон», 2009. — 56 б.
22. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби. // “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 14 феврал.
23. Каримов И.А. Асосий вазифамиз — Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — 80 б.
24. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: «Ўзбекистон», 2010. — 56 б.
25. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: «Ўзбекистон», 2011. — 48 б.
26. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. — Т.: «Ўзбекистон», 2012. — 36 б.
27. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий

- ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом еттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 72 б.
- 28.Адилов М. Тадбиркорлик фаолиятида солиқларни режалаштириш. – Т.: “НОРМА”, 2012. – 420 б.
- 29.Абдурахмонов О. Налоговые системы стран с переходной экономикой: Монография. – М.: Издательство «Палеотин», 2005. – 376 с.
- 30.Владимирова М.П., Теунаев Д.М., Стажкова М.М.. Оффшоры инструмент международного налогового планирования. – М.: «Кнорус», 2005. -78 с.
- 31.Гриффин Р., Пастей М. Международный бизнес. 4-е изд. / Пер. с англ. под ред. А. Г. Медведева. – СПб.: «Питер», 2006. – 1088 с.
- 32.Евстигнеев Е.Н. Налоги и налогообложение. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2006. - 288 с.
- 33.Евстигнеев Е.Н. Основы налогового планирования. – СПб.: «Питер», 2004. – 288 с.
- 34.Иванова Н.Г. и др. Налоги и налогообложение. Схемы и таблицы. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2004. – 340 с.
- 35.Карасева И.М., Ревякина М.А. Финансовый менеджмент. – М.: «Омега-Л» 2008. - 335 с.
- 36.Козенкова Т.А. Налоговое планирование на предприятии. – М: «АиН», 1999. – 64 с.
- 37.Лапуста М.Г., Шаршукова Л.Г. Риски в предпринимательской деятельности. - М.: «ИНФРА-М», 1998. 224 с.
- 38.Малашихина Н.Н., Белокрылов О.С. Риск-менеджмент: учебное пособие. – Ростов н/Д: «Феникс», 2004. - 320 с.
- 39.Маликов Т.С. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: “Академия”, 2002. – 204 б.

- 40.Машарибов Ж. Солиқ маслаҳати: ривожланиш истиқболлари. // Солиқлар ва божхона хабарлари. – Тошкент, 2009. – №1. – С. 3-4.
- 41.Петров А.В. Налоговая экономия: реальные решения. – М.: Издательство «Бератор-паблишинг», 2007. – 680 с.
- 42.Под ред. Иванова Ю.Б. Налогообложение: проблемы науки и практики – 2009. Монография. – Харьков: ФЛП Либуркина Л.М.; «ИНЖЭК», 2009. – 296 с.
- 43.Под. ред. Поршнева А.Г. Налоговый менеджмент. – М.: «ИНФРА-М», 2003. – 442 с.
- 44.Попов В.М., Ляпунов С.М., Касаткин А.А. Бизнес планирование: анализ ошибок, рисков и конфликтов. - М.: «КноРус», 2003. – 448 с.
- 45.Рўзиназаров Ш. Солиқ маслаҳатини кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари. // СОЛИҚ INFO. – Тошкент, 2009. – №11. – Б. 2.; – №12. – Б. 4.
- 46.Сердюков А.Э., Вылкова Е.С, Тарасевич А.Л. Налоги и налогообложение: Учебник для вузов. 2-е изд. – СПб.: «Питер», 2008. - 704 с.
- 47.Сидорова Е.Ю. Налоговое планирование: Курс лекций. – М.: «Экзамен», 2006. – 221 с.
- 48.Тихонов Д.Н., Липник Л.Г. Налоговое планирование и оптимизация налоговых рисков. – М.: «Альпина Бизнес Букс», 2004. – 259 с.
- 49.Тошмуродова Б.Э. Солиқ муносабатларини оптималлаштириш. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2004. – 160 б.
- 50.Тошмуродова Б.Э. Солиқлар воситасида иқтисодиётни бошқариш механизми. Монография. –Т.: «Янги аср авлоди», 2002. – 127 б.
- 51.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежменти. – Т.: “Мумтоз сўз” – 2010. – 104 б.
- 52.Тошмуродова Б.Э., Элмирзаев С.Э. Корпоратив солиқ менежментида ички солиқ назорати ва таҳлили. // Молия. – Тошкент, 2010. – №3. – Б. 45-50.

- 53.Федоров Б.Г. Англо-русский банковский энциклопедический словарь. – СПб.: «Лимбус Пресс», 1995. – 268 с.
- 54.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. – Т.: ТДИУ. 2010.
- 55.Васильева Л.С., Петровская М.В. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.
- 56.Маркарьян Э.А. «Финансовый анализ». –М.: Кнорус. 2010.
- 57.Донцова А.В.Никифорова Н.А. «Анализ финансовой отчетности». М: Дело и Сервис 2009.
- 58.Ионова А.Ф., Селезнева Н.Н. «Финансовый анализ». М. : ЮНИТИ. 2009.
- 59.Войтоловский Н.В. «Комплексный экономический анализ предприятия». –Спб.: Питер, 2009 .
- 60.Савицкая Г.В. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия». - М.: Инфра-М. 2009.
- 61.Савицкая Г.В. «Методика комплексного анализа хозяйственной деятельности». –М.: Инфра, 2009.
- 62.Басовский Л.Е. «Экономический анализ». –М.: Риор. 2009.
- 63.Гинзбург А.И. «Экономический анализ». –Спб.: Питер, 2008.
- 64.Шеремет А.Д. Р.С.Сайфуллин. «Методика финансового анализа» – М.: ИНФРА-М. 2007.
- 65.Пардаев М.Қ., Шоалимов А.Х. “Бошқарув таҳлили”. –Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2005.
- 66.Ваҳобов А. В. ва бошқалар. “Молиявий ва бошқарув таҳлили”. -Т ,: Шарқ. 2005.
- 67.Ергешев Е.Е. “Иқтисодий ва молиявий таҳлил”. –Т.: Консаудитинформ. 2005.
- 68.Шоалимов А.Х., Тожибоева Ш.А. “Иқтисодий таҳлил назарияси”. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси. 2005.
- 69.Пардаев М.Қ., Исроилов Б.И. “Иқтисодий таҳлил”. -Т.: Меҳнат. 2004.

- 70.Акрамов Э.А. “Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили”. – Т.: Молия. 2003.
- 71.Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.
- 72.Берднюкова Т.Б. Анализ и диагностика финансово-хозяйственной деятельности предприятия. –М.: Инфра-М., 2010 .
- 73.Камышанов П.И., Камышанов А.П. «Бухгалтерская финансовая отчётность: составление и анализ». – 5-е издание. – М.: Омега-Л. 2010.
- 74.Розанова Н.М, Зороастрова И.В. «Экономический анализ фирмы и рынка». – М.: ЮНИТИ-ДАНА. 2009.
- 75.Алексеева А.И.Васильева Ю.В.»Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности».- М.: Омега-Л.2009.
- 76.Барлиенко В.И. «Анализ хозяйственной деятельности». –М.: Омега-Л. 2009.
- 77.Чуев И.Н., Чуева Л.Н. «Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности». –М.: Инфра .2008.
- 78.Просветов Г.И. «Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Задачи и решения». – М.: РДЛ. 2008.
- 79.Артёменко В.Г., Останов В.В. «Анализ финансовой отчетности». –Мю: Омега –Л. 2007.
- 80.Титов В.И. «Анализ и диагностика финансово хозяйственной деятельности предприятия». –М.: “Издательский дом Дашков И К”. 2007.
- 81.Пардаев М.Қ. ва бошқалар. “Корхоналарнинг иқтисодий салоҳияти таҳлили”. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси. 2003.
- 82.Элмирзаев С.Э. Солиқ маслаҳатининг афзалликлари ва улардан самарали фойдаланиш масалалари. // Молия. – Тошкент, 2011. – №2. – Б. 56-61.
- 83.Элмирзаев С.Э. Солиқларни режалаштириш босқичлари. // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 121-122.

84. Яхёев Қ.А. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. – Т.: «Фан ва технологиялар маркази», - 2003. – 247 б.
85. Яхёев Қ.А. Солиққа тортишнинг назарий асослари ҳақида айрим мулоҳазалар. // Молия. – Тошкент, 2009. – №2. – Б. 53-55.
86. Ўзбекистон тадбиркорлик субъектларининг солиқ маъмуриятчилиги ва ҳисоботларга доир харажатлари. Халқаро молия корпорацияси, 2010. – 121 б.
87. Деловая среда в Узбекистане глазами представителей частного бизнеса. Международная финансовая корпорация, 2009. – 115 с.
88. Интернет сайтлари:
- <http://www.press-service.uz>
- <http://www.gov.uz>
- <http://www.bfa.uz>
- <http://www.soliq.uz>
- <http://www.stat.uz>
- <http://www.rambler.ru>
- <http://www.institutiones.com>
- <http://www.offshori.com>
- <http://www.pnk.uz>